



Tadqiqot.uz



**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

31 YANVAR
№24

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 24-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
2-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
24-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-2**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
24-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-2**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 24-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 январь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 45 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

1. Usmonov Abduqodir	
SHARQ ALLOMALARI FALSAFIY QARASHLARIDA O'QUVCHILAR AQLIY TARBIYASI MASALASI.....	7
2. Rustamov Nazir Choriyevich	
ABU NASR FAROBIYNING SHAXS MA'NAVIYATINI YUKSALTIRISHGA QARATILGAN FALSAFIY QARASHLARI.....	9
3. Rasulova Shoira	
ZAMONAVIY YOSHLAR TARBIYASIDA DAXLDORLIK HISSINI SHAKLLANTIRISH.....	11
4. Ҳакимов Ақмалжон Мирзаганиевич	
ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ БИЛИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА	13
5. Улуғбек Абдухалилович Азимов	
КАДРИЯТЛАР ФАЛСАФАСИ ВА ИЖТИМОЙ ҚАДРИЯТЛАР	15
6. Кадирова Дилдора Сабирджанова	
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ	17
7. Зуева Арина Викторовна, Зуева Виктория Викторовна	
ПРОБЛЕМА СМЕРТИ И БЕССМЕРТИЯ В ФИЛОСОФИИ.....	20
8. Олтмишева Насибаҳон Ғуломжоновна	
МАФКУРАВИЙ КУРАШ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ	22
9. Тешабаева Лола Ориповна	
ЖАМИЯТНИНГ ДЕМОКРАТЛАШУВИ ШАРОИТИДА ШАХС ЭРКИНЛИГИ	25
10. Тўхтаров Исматилло Муродович	
ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР.....	28
11. Умурзақов Ахмаджон Махамадович	
ШАҲАРЛАР АҲОЛИСИ МАЊАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНИШИ: МУАММОЛАР ВА ТАКЛИФЛАР	32
12. Дилнавоз Нарзиқуловна Тоғаева	
АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ НИКОҲ ВА УНИНГ ФОЙДАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ	34
13. Холмирзаев Нодиржон Низомжонович	
ГЛОБАЛЛАШУВ ВА УРБАНИЗАЦИОН ТАРАҚҚИЁТНИНГ ШАҲАР АҲОЛИСИ МАЊАВИЙ ҚИЁФАСИГА ТАЪСИРИ	39
14. Маҳмудов Осимхон Насимхон ўғли	
МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЖАРАЁНИДА АМИР ТЕМУР ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	41
15. Эргашев Улуғбек Адхамови	
ДИНИЙ БАГРИЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК-БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ	43



ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

SHARQ ALLOMALARI FALSAFIY QARASHLARIDA O'QUVCHILAR AQLIY TARBIYASI MASALASI

Usmonov Abduqodir

Toshkent shahar Olmazor tumanidagi
24-maktabning o'qituvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada sharq allomalari falsafiy qarashlarida o'quvchilar aqliy tarbiyasi masalasi haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: Aqliy tafakkur, tabiat sirlari, odob, axloq, xarakter, fikr, mehr, savovat.

Sharq mutafakkirlari o'z asarlarida bilish hamda inson aqliy tafakkuri masalalariga alohida o'rinni berafgan.

Xususan, Abu Nasr Farobi inson tomonidan borliqni anglanishi, tabiat sirlarini anglashida ilm-fanning rolini hal qiluvchi omil sifatida baholaydi. Allomaning fikricha, inson tanasi, miyasi, sezgi organlari u tug'ilganda mavjud bo'lgan bo'lsa, aqliy bilimi, ma'naviyati, ruhiyati, intellectual va axloqiy sifatlari, xarakteri, dini, urf-odatlari, ma'lumoti tashqi olam, ijtimoiy muhit ta'sirida, odamlar bilan tashkil etayotgan munosabatlari jarayonida shakllanadi. Abu Nasr Farobiyning e'tiroficha, inson aqli, fikri uning ruhiy jihatdan yuksalishining mahsulidir. Inson bilimlarni o'zlashtirar ekan, borliqda tirik mavjudodning yaratilishigacha bo'lgan ma'lumotlarni o'zlashtira oladi, ularni yaratadi, ilmiy jihatdan asoslaydi.

Allomaning mazkur fikrlarini davom ettirgan holda Abu Rayhon Beruniy quyidagilarni ilgari suradi: "Inson narsa va hodidsalarning faqat tashqi sifati hamda xususiyatlari haqida bilim olmay, balki tafakkuri, aqli tufayli narsa va hodisalarni taqqoslaydi, bir-biri bilan solishtirib ko'radi, o'z bilimlarining chinligini aniqlaydi". Mutafakkir shuningdek, odamlar tomonidan bilimlarni ozlashtirib borishi yangi bilimlarning yangi bilimlarning yaratilishiga olib kelishini aytadi: "Ilmlar ko'pdir. Ular zamoni iqbolli bo'lib, turli fikr va xotiralar ularga qo'shilib borsa, ko'payadi. Odamlarning ilmlarga rag'bat qilishi, ilmlarni va ilm ahllarini hurmat qilishi o'sha iqbolning belgisidir. Ayniqsa hukmron kishilarning ilm ahlini hurmat qilishi turli ilmlarning ko'payishiga sabab bo'ladi".

Abu Ali Ibn Sino o'z asarlarida bilim tushunchasiga sharh berish bilan birga bilimning chuqur o'zlashtirishi donishmandlik ekanligini ekanligini alohida qayd etadi: "Ilm narsalarning inson aqli yordami bilan o'rganilishidir. Bilim deb esa, narsalarni idrok qilishga aytildi. Bu shundayki, inson aqli uni xato va yo'ldan toymasdan turib unga erishishi kerak bo'ladigan narsadir. Bordiyu, bu dalillar ochiq-oydin bo'sayu, isbotlar chinakamiga bo'lsa, u holda bunaqa hikmat – donishmandlik deyiladi". Ibn Sinoning aql va aqliy tarbiyaning tabiiy va psixologik asoslarini aniqlashga harakat qiladi. Uning fikricha, hayot, hayotiy quvvat uch shaklda: o'simlik, hayvonot va inson shaklida namoyon bo'ladi. Ibn Sino bolaning ilm – fan yoki hunar egallashga intilishida o'qituvchining unga bilim, hunar o'rgatishi zarurligini uqtiradi.

Ilm – fanga intilish insonni eng oliy ma'naviy yuksaklikka ko'taradi, jamiyat ravnaqining asosiy omili bo'lib xizmat qiladi.

Tarq qil bor narsani, jon barchidin a'lodurur,

Jon kamoli ilmdandir, ilmdandir so'lu sog'.

Jon agar bir shisha bo'lsa, ilm ham chirog',

Ximkati insonin bilgil uch chiroqda misli yog'.

Ul agar ravshan yonar, sen ham salomat ham tirik.

Ul chiroq so'nsa, sening ham o'lganiningmasmu shu chog'.

Uning fikricha, ta'lim – tarbiya, avvalo, aqliy tarbiyani, yoshlarga ilm – fan o'rgatishni,



jismoniy tarbiyani, axloqiy tarbiyani, nafosat tarbiyasini hamda yoshlarni ma'lum hunarga o'rgatish masalalarini o'z ichiga oladi. Axloqiy tarbiya inson uchun nuhoyatda muhim ahamiyatga ega. Bolaning axloqiy tarbiyasi yoshlikdan, bolalikdan boshlanishi kerak.

Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asarida ta'birlar joiz bo'lsa, bilimning mohiyati, uning ijtimoiy hayotdagi ahamiyati, inson kamolotini ta'minlashdagi roli, yovuzlikni bartaraf etuvchi vosita ekanligi to'g'risidagi qomus sanaladi. Allomaning fikricha, bilimli bo'lish ezgu ishlar tantanasini ta'minlovchi garov bo'lib, uning yordamida hatto osmon sari yo'l ochiladi:

Hamma ezguliklar bilim nafi tufaylidur,

Bilim tufayli, go'yo ko'kka yo'l topiladi.

Alisher Navoiy bilimlarni izchil, uzlucksiz o'zlashtirish zarurligini uqtiradi. Shuningdek, ilm o'rganish muvaffaqiyatli yumush bo'lib, uni o'rganish ayrim qiyinchiliklarni yengib o'tishga to'g'ri kelishi, bu yo'lida chidamlari, qanoatlari, bardoshli bo'lish orqaligina mukammal bilimga ega bo'lish mumkinligini ta'kidlaydi.

Alisher Navoiy o'z asarlarida komil inson obrazlarini yaratib, ular qiyofasida namoyon bo'luchchi ma'naviy-axloqiy sifatlarni ulug'lagan bo'lsa, ta'limiy-axloqiy muammolarni yoriutvchi asarlarida esa komil insonni shakllantirish jarayonining mazmuni, ushbu jarayonning o'ziga xos jihatlari, yo'llari, shakl va usullari borasida mulohazalarini bayon etadi.

Alisher Navoiyning ta'limiy-axloqiy qarashlari, shu jumladan, komil insonni shakllantirish konsepsiyasining mazmunini o'rganish muayyan davrlarda dolzarblik kasb etgan.

Alloma tomonidan yaratilgan asarlar mazmunidan anglanadiki, ularda ilgari surilgan qarashlarning markazida inson va uning komolotini ta'minlash g'oyasi turadi. Bu haqda navoiyshunos olim V.Zohidov quyidagi fikrni ifoda etadi: "Navoiy ijodi hamda amaliy faoliyatining eng asosiy, markaziy masalasi, yo'naliш nuqtasi har narsadan oldin inson, uning taqdiri, baxti, saodati, uning yaxshi yashashi, bu uchun zarur jamiyat masalasidir".

Alisher Navoiy ilm-fanning inson kamolotidagi o'rni, bilimlarni o'rganish asosida hosil bo'lgan aql va idrokning inson hayotidagi ahamiyati hamda aqliy tarbiya va uning mohiyatini yoritishga alohida e'tibor qaratadi. Alloma insonga xos bo'lgan ma'naviy-axloqiy xislatlari xususida so'z yuritadi hamda mazkur sifatlarning har biriga to'laqonli ta'rif berib o'tadi. Qanoat, sabr, tavoze, o'zgalarga nisbatan mehr-muhabbatli bo'lish, ishqda vafodorlik, saxovat, himmat, karam, muruvvat, yumshoq ko'ngillik kabi xislatlarni ijobiy fazilatlar sirasiga kiritadi va ularning har biriga ta'rif bergenidan so'ng tanbeh va hikoyalar vositasida shaxsiy qarashlarini dalillar bilan to'ldiradi.

Mutafakkir axloqlilikning eng muhim mezonini odob deb hisoblaydi. Odobli, ahloqli bo'lish insonga atrofdagi kishilar o'rtasida muayyan mavqe hamda hurmatga sazovor bo'lishiga yordam beradi. Odobga ega bo'lishning inson hayotidagi rolini ko'rsatib berar ekan, Alisher Navoiy quyidagi fikrlarni ilgari surgan: "Adab kichik yoshdagilarni ulug'lar duosiga sazovor etadi va u duo barokati bilan umrbod bahramand bo'ladi. Adab kichkinalar mehrini ulug'lar ko'ngliga solidi va u muhabbat ko'ngilda abadiy qoladi."

Demak, yaxshi xulqning asosi bo'lgan odob Alisher Navoiy talqinida barcha insoniy xislatlarning bosh bo'g'ini sanaladi. Qanoat, sabr, tavoze, o'zgalarga nisbatan mehr-muhabbatli bo'lish, ishqda vafodorlik, saxovat, himmat, karam, muruvvat, yumshoq ko'ngillik kabi ijobiy fazilatlarning odobli, axloqli kishilar qiyofasidagina namoyon bo'lishiga urg'u berib o'tadi.

Yuqorida fikrlardan shuni bilib oldikki, ota-bobolarimiz tomonidan ilgari surilgan inson ma'naviyatini yuksaltiruvchi fikrlar yoshlarimizning odob – axloqini yuksaltirishida ahamiyati kata. Mazkur fikrlardan dars jarayonlarida foydalansak, yoshlarimizning yuksak axloqli shaxs bo'lib voyaga yetishida ahamiyati juda kata hisoblanadi.

Foydalilanigan adabiyotlar ro'yhati

1. K.Hashimov, S.Nishonova. Pedagogika tarixi. Toshkent. 2005-yil.
2. Z.Salohiddinova. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida aqliy tarbiyani shakllantirish yo'llari.

BMI.



ABU NASR FAROBIYNING SHAXS MA'NAVİYATINI YUKSALTIRISHGA QARATILGAN FALSAFIY QARASHLARI

Rustamov Nazir Choriyevich

Toshkent shahar Olmazor tumanidagi 24-maktabning
tarbiya hamda davlat va huquq asoslari fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada Abu Nasr Farobiyning yoshlar ma'naviyatini yuksaltirishga
qaratilgan falsafiy qarashlari haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: Ahloq, odob, xalq, ma'naviyat, adolatli jamiyat, adolat, mehr.

O'zbek xalqining milliy ahloqiy qadriyatlari ham qadimgi ota-bobolarimiz qoldirgan meros, milliy, mahalliy zaminda, kundalik hayot bilan bog'liq ravishda shakllangan an'analar, islomiy qadriyatlар asosida yuzaga kelgan. Islom dini turli mintaqalarda yashovchi xalqlarning ahloqiy merosini yaqinlashtirib, bir g'oya asosida birlashtirib, yanada rivojlanishiga asos bo'ldi. Shu sababli o'zbek xalqining ahloqiy qadriyatlari ildizini faqat islom dinidan izlash masalaga bir yoqlama yondashish bo'ladi.

Turon, Turkiston xalqlarining ahloq va odob borasidagi merasi haqidagi dastlabki ma'lumotlar,,Avesto"da, xalq og'zaki ijodi namunalarida, Yusuf Xos Xojibning,,Qutadg'u bilig'', Mahmud Qoshg'ariyning,,Devoni lug'atit turk'' asarlarida, vatandoshimiz bo'lган buyuk mutaffakkirlar, shoirlar va olimlarning merosida ko'zga tashlanadi. Yusuf Xos Xojibning asarida u yashagan davrdan avval o'tgan avlodlarning yuksak ahloq va odob borasidagi qadriyatlardan namunalar keltirilgan. Bu milliy ahloq qanchalik qadimiy tarixga ega ekanini ko'rsatadi.

Abu Nasr Farobiyning,,Fozil odamlar shahri'' nomli asarida ham xalqning komil axloqli shaxsni yetishtirish, shu yo'l bilan adolatli jamiyat qurish to'g'risidagi orzulari ifodasidir. Odil, adolatli jamiyatni yuksak ahloqli, odobli, jismoniylar va aqliy barkamol kishilar qurishi mumkin, degan fikr sharq falsafasida kata o'rinni o'rganishni g'oyalardasni birlashtirib bo'lgan. Farobiy adolatli jamiyat qurishga qodir bo'lган odamlarning ahloqiy fazilatlarida quyidagi muhim sifatlar bo'lishi lozimligini takidlaydi:

1.Jismoniylar salomatlik va aqliy komolotning birligini taminlash zarur. Bunday odamlarning barcha a'zolari shu darajada mukammal taraqqiy etgan bo'lishi zarurki, u bu a'zolari bilan bajarmoqchi bo'lган barcha ishlarni osonlik bilan bajara olsin.

2. Barcha masalani, muhokama va munozarani tezda va to'g'ri tushuna oladigan, so'zlovchining maqsadi, aytilgan fikrlarning chinligini tezda payqay oladigan bo'lsin.

3. Xotirasi juda baquvvat bo'lsin, ko'rgan-eshitgan, sezgan narsalarining birontasini ham esidan chiqarmay yodida saqlab turadigan bo'lsin .

4. Zexni shu darajada o'tkir bo'lsinki, biror narsaning alomatini sezishi bilan bu alomat nimani bildirishini tezdan bilib olsin.

5. So'zlari aniq bo'lsin, fikrini va aytmoqchi bo'lган mulohazalarini ravon va ravshan bayon eta olsin.

6. Bilish va o'qishga muhabbat bo'lsin,o'rganmoqchi bo'lган bilimini charchashni bilmay osonlikcha o'zlashtira olsin.

7. Ovqatlanishda, ichimlik ichishda ochko'z bo'lmasin, tabiatan qimor o'yinlari o'ynashdan uzoq bo'lsin va ular keltiradigan xursandchilikdan jirkanadigan bo'lsin.

8. Haqiqatni va haqiqat tarafdarlarini sevadigan, yolg'on va yolg'onchilarga nafrat bilan qaraydigan bo'lsin.

9. Ruxning g'ururi va vijdonoini qadrlaydigan bo'lsin, uning ruhi o'z tabiati bilan past ishlardan yuqori va oljanob ishlarga ishlarga ishlatiladigan bo'lsin.

10. Dirham, dinor va shu kabi turkumga qarashli buyumlarga jirkanch bilan qaraydigan bo'lsin.

11. O'z tabiati bilan adolatni sevadigan va adolat uchun kurashuvchilarga hayrixoh, adolatsizlik qilib jabr-zulm o'tkazuvchilarga nafrat bilan qaraydigan bo'lsin, o'z odamlari va boshqalarga adolatli bo'lsin, go'zal va yaxshi hisoblangan barcha narsalarni barchaga taqdim etgan holda odamlarni adolatga targ'ib etadigan,adolatsizlik oqibatlarini yo'qotadigan, ularga yo'l qo'ymaydigan bo'lsin.

12. Adolatli bo'lsin, ammo qaysar bo'lmasin, adolat oldida qaysarlik qilib, o'zbilarmonlikka berilmasin, lekin har qanday adolatsizlik, pastkashlik oldida lavzli bo'lsin, o'zi zarur deb topgan



narsani amalga oshirishda qat'iylik ko'rsatgin, qo'rqmas, jasur bo'lsin, qo'rqish va ojizlikni bilmasin.

Yuqorida keltirilgan bu fikrlar yakka shaxsga, davlat boshliqlariga xos bo'lgan axloqiy sifatlar, fazilatlar targ'ibi emas. Bu o'rinda gap fozil shahar aholisining barchasi uchun umumiy va zaruriy bo'lgan ahloqiy normalari haqida bormoqda. Yuqoridagi ahloq normalarini alohida va yaxlit holda tahlil etib ko'rsak, ularda odamlar o'rtasidagi alohida munosabatlarga asos bo'ladigan ahloq normalari mukammal, komillik bitta yaxshi sifatga ega bo'lish emas, balki barcha mukammal ahloqiy fazilatlarni egallashdir. Farobiy inson komolotining yuqoridagi mezonlarini belgilashda Turon, Turkiston xalqlarining ahloqiy qadriyatlaridan keng foydalanilgani shubhasiz.

Bu ahloqiy qadriyatlarining zaminida odamlarga hurmat, ularning ahil, tinch, faravon turmushini taminlashga intilish yotadi. Bu – insonparvarlikdir. Insonparvarlik boshqalarga nisbatan ishonch va hurmat, ko'nglini ko'tarish, hamdard va hamroh bo'lish, og'irini yengil etishga ko'maklashishdir.

Farobiy "Baxt – saodatga erishuv to'g'risida" asarida bilimlarni o'rganish tartibi haqida fikr yuritadi. Uning ta'kidlashicha, aval bilish zarur bo'lgan ilm o'rganiladi, bu – olam asoslari haqidagi ilmdir. Uni o'rgangach, tabiiy ilmlarni, tabiiy jismlar tuzilishini, shaklini, osmon haqidagi bilimlarni o'rganishi lozim. Undan so'ng, umuman janli tabiat, o'simlik va hayvonlar haqidagi ilm o'rganiladi, deydi. Olimning fikricha, inson kamolatga yolg'iz erisha olmaydi. U boshqalar bilan aloqada bo'lish, ularning ko'maklashuvi yoki munosabatlari muhetoj bo'ladi. Uning fikricha, tarbiya jarayoni tajribali pedagog, o'qituvchi tomonidan tashkil etilishi muhim. Chunki har bir odam ham baxtni va narsa – hodisalarni o'zicha bila olmaydi. Unga o'qituvchi lozim. Farobiy nazariy bilimlarni egallashga kirishgan har bir kishi xulq – odobda ham qay darajada pok bo'lishi kerakligini "Falsafani o'rganishdan oldin nimani bilish kerakligi to'g'risida" risolasida shunday ta'riflaydi: "Falsafani o'rganishdan oldin o'zingizni his – havaslardan shunday tozalasingiz lozimki, sizda maishiy va shavxoniyat kabi noto'g'ri tuyg'ularga emas, balki kamolatga bo'lgan hia – havas qolsin.

Bunda xulq – ahloqni faqat so'zdagina emas, balki haqiqatga (amalda) tozalash orqali erishish mumkin. Shundan so'ng xato va adashishdan saqlovchi, haqiqat yo'lini tushunib olishga boshlovchi (notiq – so'zlovchi, fikrlash ma'nosida) nafsini, jonini, ruhini tozalash zarur".

Farobiy ahloqiy fazilatlar deganda bilimdonlik, donolik va mulohazали bo'lish, vijdonlilik, kamtarlik, ko'pchilik manfaatini yuqori qo'yish, haqiqat, ma'naviy yuksaklikka intilish,adolatlilik kabi xislatlarni tushunadi. Ammo bu xislatlarning eng muhim har bir insomning bilimli, marifatli bo'lishidir. Shuning uchun ham Farobiy ahloq tushunchasiga aql bilan uzviy bog'liq holda, tafakkurga asoslangan ahloq sifatida qaraydi.

Abu Nasr Farobiy tomonidan ilgari surilgan falsafiy fikrlar bugungi kun uchun ham dolzarb ahamiyat kasb etadi. Mazkur fikrlardan umumta'lim muassasalarida, oliy ta'lim dargohlarida yosh avlodni ma'naviy yetuk shaxs sifatida tarbiyalashda foydalanish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. K.Hashimov, S.Nishonova. Pedagogika tarixi. Toshkent. 2005-yil, 82-bet.
2. Erkin Yusupov. Inson komolotining ma'naviy asoalari. Toshkent. Universitet nashriyoti, 1998-yil, 106-105-bet.
3. Abu Nasr Farobiy. Fozil odamlar shahri. Toshkent. 1993-yil, 186-187-betlar.



ZAMONAVIY YOSHLAR TARBIYASIDA DAXLDORLIK HISSINI SHAKLLANTIRISH

Rasulova Shoira FarPI.
“O‘zbekiston tarixi va ijtimoiy fanlar”
kafedrasi katta o‘qituvchisi

Annotasiya: Ushbu maqolada fuqarolik jamiyat qurilishi, shu manoda insonning yuksak ma‘naviy hamda daxildorlik hissi vazifalari bilan uzviy bogliq ekanligi haqidgi ma’lumotlar bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: yoshlar, daxildorlik, daxildorlik hissi, jamiyat, fuqarolik, ma’nviy tarbiya, e’tiqod, tarbiya, milliy meros.

Har qaysi xalq yoki millatning tafakkuri, turmush tarzi, ma’naviy qarashlari o‘z-o‘zidan bo‘sh joyda shakilanib qolmaydi. Ularning vujudga kelishi va rivojlanishida aniq tarixiy, tabiiy va ijtimoiy omillar asos bo‘ladi. Mustaqillik tufayli jamiyatimiz ma‘naviy negizlariga alohida e‘tibor qaratildi. Sobiq sovet davlatining ma‘naviyatga nisbatan pisandsizlik bilan qarash siyosatiga barham berildi. O‘zbekiston Respublikasi bиринчи Prezidenti I.A.Karimovning – “Yuksak ma‘naviyat – yengilmas kuch” asari ma‘naviyat va fuqarolik jamiyatini o‘zaro bog‘liqligini tushunushda muhim ahamiyatga ega. – O‘tgan davr mobaynida eski tuzumda og‘ir meros bo‘lib qolgan ana shunday illatlarga, el-yurtimizga nisbatan kamsitish va milliy manfaatlarimizni mensimaslik holatlariiga barham berish, ko‘hna qadriyatlarimiz, dinu diyonatlarimizni tiklash, hayotimizda tarixiy adolatni qaror toptirish, yangi jamiyat qurish yo‘lida xalqimizning ma‘naviy yuksalishini o‘z oldimizga qo‘ygan oljanob maqsadlarga yetishda hal qiluvchi mezon deb qarash va shu asosda ish olib borish biz uchun doimo ustuvor vazifa bo‘lib kelganini va bugun ham e‘tiborimiz markazida turganini takidlash lozim.[1.52]

Ma‘naviyat tushunchasining ilmiy, falsafiy, adabiy yoki oddiy tilda ifodalanadigan ko‘plab tariflari mavjud. O‘zida juda chuqur keng qamrovli ma‘no mazmunni mujassam etadigan tushunchaga har qanday ma‘rifatli inson o‘zining falsafiy yondashuvi, siyosiy qarashlari va etiqodi, ongu tafakkuridan kelib chiqqan xolda turlicha ta’rif va tavsiflar berishi tabiiy. Shuning uchun ham bu masala bo‘yicha ilmiy adabiyotlarda, kundalik matbuotda bir-biridan farq qiladigan fikr muloxozalarni uchratganda bundan taajjublanmasdan, ularni har qaysi muallifning o‘ziga xos dunyoqarashi, munosabat tarzi ifodasi sifatida qabul qilish o‘rnildir. Daxildorlik hissi esa fuqarolarning tug‘ilgan joyi, ona Vatani, mustaqillikni anglashi, uni asrab avaylashi ximoya qilishi, uni yanada rivojlanishga chorlaydigan, shart- sharoit, omillar majmuidir. Bu omillar asosida o‘z hayotini tashkil qilgan inson ma‘naviyatli inson xisoblanadi

O‘zini O‘zbekiston fuqarosi deb biladigan har bir inson shu tuyg‘u bilan yashashi, intilishi, faoliyatda bo‘lishi zarur. Daxildorlik hissi: insonga, atrofdagi odamlarga nisbatan daxildorlik, oilaga daxildorlik, mahallaga daxildorlik, millatga daxildorlik, mamlakatga, vatanga daxildorlikni his etish bilan bog‘liq holatlardir. Inson ma‘naviy olamining yuksalishi va daxildorlik hissi fuqarolik jamiyat qurish vazifalarini amalga oshirish bilan uzviy bog‘liq. Fuqarolarning davlat va jamiyat ishtirokida ularning ichki dunyosi va irodasini baquvvat, imon-etiqodini butun qilishda yorqin namoyon bo‘ladi. Insonning jamiyat hayotiga munosabati, qonunlarni hurmat qilish,adolat tamoyillariga amal qilish, insonni qadrlash, ularning huquq va erkinliklarini oliy qadriyat deb bilish, halol va pok yashashi ularning yuksak ma‘naviy dunyosi va daxildorlik xissining amaliy ifodasi ekanligini hisobga olish lozim. Fuqarolik jamiyat qurilishi shu manoda insonning yuksak ma‘naviy hamda daxildorlik hissi vazifalari bilan uzviy bog‘liq ekanligini ko‘rish mumkin. Fuqarolik jamiyat – ijtimoiy makondir. U fuqarolarning davlat va jamiyat munosabatlarida aniq namoyon bo‘ladi. Fuqarolik jamiyat qurilishi ma‘naviyatni anglash va daxildorlik hissi, uni shakinlantiruvchi mezonlar bilan bog‘liq. Fuqarolik jamiyat qurilishi har bir xalqning milliy ma‘naviy merosi va qadriyatlari bilan bog‘liq o‘ziga xos milliy xususiyatlarga tayanadi hamda dunyo xalqlarining erishgan yutuqlarini hisobga oladi. Ayniqsa tabiatga, odamlarga yaqinlik, doimo yahshilikni o‘ylab yashash halol mehnat qilishi, dunyoning tengsiz ne‘mat va go‘zalliklaridan bahramand bo‘lish inson ma‘naviyatiga ozuqa beradi va insondagi daxildorlik hissini kuchaytiradi.

Jahon xalqlari tajribasi ularning bosib o‘tgan murakkab rivojlanish yo‘llari, bu bosqichdagи



saboq va xulosalar shundan dalolat beradiki, qayerda davlat va jamiyat tariqqiy topsa, xalqning tinch-osoyishta hayot kechirishi, o‘z oldiga ezgu va buyuk maqsadlar qo‘yib yashashi uchun yetarli shart-sharoitlar yaratilgan bo‘lsa, o‘sha yerda erkin fikrlash muhiti va shu asosida ma‘naviy yuksalish va daxildorlik hissini anglash uchun yangi imkoniyatlar tug‘iladi. Daxildorlik inson va jamiyat hayotida uning yangilanish hamda demokratik fuqarolik jamiyatining maqsad vazifalarini amalga oshirishda muhim omil hisoblanadi. Hayotda har hil odamlar uchraydi. Ularning ichida ma‘nan halol, pok yashaydigan odamlarga hamda aksincha ma‘nan zaif, halol va pok yashamaydigan odamlar ham mavjud. Ammo, jamiyat barqarorligi, ma‘naviyat yuksakligi insonlarda ayniqsa yoshlarda daxildorlik hissining mavjudligi ana shunday halol, pok niyatli insonlarnig borligi tufaylidir. Fuqarolik jamiyatni ana shunday odamlarning yuksak ma‘naviyati, oliv maqsadlari ayniqsa yoshlarda daxildorlik hissini tarbiyalashda ularning tajribasiga tayanida. Bunday odamlar yoshlarga o‘rnak bo‘ladi, o‘zlarining ezgu g‘oya va amallari bilan fuqarolik jamiyatni institutlarida faol ishtirok etadi. Yani, jamoat birlashmalari, turli xil jamg‘armalar, mahalla, oila, omaviy axborot vositalari, turli xil ijtimoiy xarakatlar va boshqa fuqarolik jamiyatni institutlari manfaatlari muvozanatini taminlashda ko‘maklashadi va ularga xizmat qiladi. Bu bilan bog‘liq turli xil qonunlarni ijrosini taminlashda yordam beradi. Aynan mana shulargina insonning o‘z yurtiga, jamiyatga, el-yurtga, mahallaga va oilasiga daxildor ekanligini anglatadi. Xozirgi kunda butun dunyo sinovli kunlarni boshidan kechirmoqda. COVID-19 butun yer sharini egallab olgan bir paytda har bir insonda ayniqsa yoshlarda daxildorlik hissi muxim ahamiyat kasb etadi. O‘zini shu yurtga daxildorligini his etgan har bir inson qo‘lidan kelganicha el koriga yarashi shart. Prezidentimiz va xukumatimiz boshchiligidagi sog‘liqni saqlash xodimlari, ichki ishlar, milliy gvardiya, xayriya tashkilotlari va o‘zlarini shu yurtga daxildor deb bilgan insonlar bu yo‘lda tunu-kun mehnat qilmoqdalar. Bu daxildorlik hissining yuksak namunasidir. Taassufki “guruch kurmaksiz bo‘lmaydi” deganlaridek insonlar orasida bunday favqulotda vaziyatni tushunib yetmagan, anglamagan va davlatimiz tomonidan ushbu holatni oldini olish uchun ko‘rilayotgan chora tadbirdarga amal qilmayotgan insonlar, ayniqsa yoshlar ko‘plab uchramoqda. Go‘yoki bu masalalarni ularga daxli yo‘qdek.

Daxildorlik hissini shakinlashtirishda oilaning o‘rni beqiyosdir. Oila esa fuqarolik jamiyatning muxim bog‘inidir. Daxildorlik hissining yuqori bo‘lishi insonlarga xos muhim fazilatdir. Zero inonning ma‘naviyatlilik darjasini uning daxildorlik hissi bilan ham belgilanadi insonda daxildorlik hissi qancha yuqori bo‘lsa uning jamiyat, el-yurt mas’uliyatini, maqsad va vazifalarini tushunish hamda bu jarayonda ishtiroki shunchalik yuqori bo‘ladi. Insonda daxildorlik hissi yuqori bo‘lsa qadriyatlarni hurmat qiladi, unga sodiq bo‘ladi, jamiyatdagi qonunlarni hurmat qilishi, amal qilishi va uning ijrosini taminlashi ham daxildorlik hissi mezonidir. Davlat va jamiyat rivojida bu eng muxim omillardan biridir.[2.123] Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev barcha nutq va maruzalarida tinchlikni taminlash, el-yurt farovonligi, xalq dardi, insonlarga munosib turmush tarzini yaratish, xavfsizlik, millatlararo totuvlik, diniy bag‘rikenglik muxitini yaratish masalalarini asosiy tamoyil sifatida olg‘a surib kelmoqda. har bir O‘zbekiston fuqarosi bugungi kunda xukumatimiz tomonidan olib borilayotgan keng qamrovli isloxtatlarni teran anglashi shart. Zero yurt kelajagiga barcha birdek daxildordir.

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, daxildorlik hissi manaviyati, inson va jamiyat hayotida fuqarolik jamiyatni qurilishi maqsad va vazifalarini tushunishda muxim nazariy va amaliy axamiyatga ega.

Foydlanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I. Yuksak ma‘naviyat – yengilmas kuch. –Toshkent: ”Ma‘naviyat”, 2008, -B. 52.
2. Mamashokirov S, Tog‘aev SH. Erkin va farovon hayot qurilishining g‘oyaviy-mafkuraviy masalalari. -T.: Ma‘naviyat, 2007. 123



ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ БИЛИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Ҳакимов Акмалжон Мирзаганиевич.
Фарғона политехника институти ўқитувчиси
Телефон: +998905844487

Аннотация: Ушбу мақолада жамиятнинг структуравий тузилиши, тараққиёт босқичлари, ривожланиши, унинг ўрганишнинг асосий методлари ҳақида маълумотлар баён этилган.

Калит сўзлар: жамият, фалсафа, социология, антропология, политология, ривожланиш, тараққиёт, гносеологик таҳлил

Инсоният тараққиёти давомида уни жиддий ўйлантириб келаётган муаммолардан бири жамиятнинг босқичма-босқич ривожланишидир. Бу ҳол оддий инсонлар орасида диний ёндашувлардан тортиб хилма-хил нуқтаи-назар билан йўғрилган қарашларни қамраб олган бўлса, илмий жамоатчилик ва жамияшунос олимлар орасида эса турлича тортишув ва баҳс-мунозараларнинг келиб чиқишига олиб келганлиги билан эътиборлидир. Ҳаммасидан муҳими бундай мунозаралар ва баҳслашувлар бугунги кунда ҳам давом этаётганлигидир.

Дарҳақиқат, кишилик жамияти нима ўзи, у қандай тузилган, инсон ижтимоий мавжудот сифатида қандай фазилатлар эгаси ҳисоланади, ижтимоийликнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат, нега инсонлар бир-бирларидан баҳра олиб яшашга мойил, жамиятнинг структуравий тузилиши нега жуда мураккаб тизимлардан иборат, шундай бўлса-да, жамият тараққиёти ва ривожи доимо илгариланма тарзда содир бўлишининг сири нимада, унинг тараққиётига туртки бўла оладиган бирон-бир куч ёки омил бормикин, деган саволлар асрлар ва минг йилликлар мобайнида бутун башариятни тинмай ўйлантириб келади. Бу эса ўз навбатида фалсафа, социология, антропология, политология каби бир қатор фанларнинг билиш объекти ҳисобланади.

Маълумки, фалсафий адабиётларда “тараққиёт”, “ривожланиш”, “ўсиш”, “ўзгариш” каби тушунчалар анча вақтдан буён гносеологик таҳлил предмети сифатида кенг ўрганиб келинади. Кейинги пайтда эса мазкур тушунчалар қаторида айнан жамият тараққиётига тадбиқан “ислоҳот”, “модернизация” ва “трансформация” каби тушунчалар билан боғланган ҳолда ўрганилмоқда. Бироқ ҳар қандай ёндашувда ретроспектив таҳлилдан жамият тараққиётини ўрганишнинг асосий методи сифатида фойдаланилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Ҳатто жамият ривожи ва тараққиётини таҳлил қилиш ва ўрганишда ўта замонавийликни даъво қилаётганлар ҳам ретроспектив ёндашувни четлаб ўта олишмаяпти.

Айни пайтда жамият тараққиётини ўрганишда ушбу тушунчалардан ижтимоий - фалсафий адабиётларда кенг фойдаланилаётган бўлса-да, бироқ уларни тадбиқ этиш предметлари, соҳалари ҳар хил эканлигини ҳам пайқамаслик мумкин эмас. Шунинг учун уларнинг фалсафий моҳияти, талқинлари ҳам баъзан турлича мазмун ва моҳият касб этаётганлиги табиий ва тушунарлидир. Бунинг асосий сабаби мазкур тушунчаларнинг моҳияти жамият борлиги, ижтимоий муносабатлар хусусиятларига бевосита дахлдорлиги билан изоҳланади.

Айтайлик, “ривожланиш” ва “тараққиёт” тушунчаларини жамиятга тадбиқан гносеологик таҳлил қилинса баъзи ўзига хосликлар кўзга яққол ташланади. Хусусан, “ривожланиш” тушунчаси назарий манба бўла оладиган адабиётларда “табиат ва жамиятдаги қонунли ўзгариш; бир сифат ҳолатидан бошқасига, эскидан янгига ўтиш. Ривожланиш натижасида обьектнинг таркиби ёки структурасининг янги сифат ҳолати вужудга келади. Ривожланиш табиат, жамият ва билиш тарихини тушунтиришнинг умумий тамойилидир” [1:448], дея тушунтирилади. Ушбу таҳлилдан кўриниб турибдики, мазкур ёндашувда ривожланишни микдор ва сифат ўзгаришлари бирлиги ва диалектикаси контекстида табиат, жамият ва билиш жараёнларига тааллуқли воқелик сифатида талқин этиш асосий мақсад бўлиб хизмат қилган. Шу ернинг ўзида мазкур манбада ривожланишнинг икки шакли мавжудлиги ҳам қайд этилади. Яъни “объектнинг секин аста содир бўлувчи микдор ўзгаришлари билан боғлиқ эволюцион ривожланиш ва обьект тузилмасидаги сифат ўзгаришларидан иборат инқилобий ривожланиш шакллари бўлиб, қайсики бу шакллар жамият тараққиётида ўзига хос тарзда намоён бўлиши барчамизга аёнилиги ҳам эътиборга молик.

Жамият ҳаётида эволюцион ривожланиш бир тизимнинг аста-секинлик билан, тадри-



жий равишда, кескин равищдаги ўзгаришлар ва портлашларсиз бир ижтимоий даражасидан иккинчи ижтимоий даражасига ўтишини, инқилобий ривожланиш ҳолатида эса кескин портлаш йўли билан бир ижтимоий тизим ва тузумдан бошқасига ўтишини билдиради” [1;322]. .

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да “тараққиёт” тушунчасига ҳам изоҳ берилган. Жумладан, “Тараққиёт ривожланишнинг оддийдан мураккабга, қуидан юқорига йўналган шакли, унинг юксалиши”² . Бунда асосий белги сифатида, жамиятнинг оддийдан мураккабга бориши тараққиёт шарти ва белгиси сифатида олинмоқда. Шу билан биргаликда баъзи файласуф олимлар ривожланиш ва тараққиёт турлича, бир-биридан фарқ қиласидан воеликлар эканини ҳам таъкидлашади. Жумладан, таникли файласуф Б.Тўраев таъкидлашича, адабиётларда тараққиётни кўпинча ривожланиш билан айнанлаштириб қўйишаётганлиги, аслида эса у ривожланишнинг бир йўналиши эканлигини алоҳида таъкидлаб, қуидагича фикр билдирганлигини кўришимиз мумкин: “... тараққиётни айрим адабиётларда фақат жамиятдаги ривожланиш маъносига қўллашади, бу ҳам бирёклама ёндошувдир. Тараққиёт фалсафий асарларда прогрессив ривожланиш тарзида қўлланилади. Одатда ривожланишнинг икки муҳим йўналиши бўлиб, бири тараққиёт (прогрессив йўналиш), иккинчиси инқироз (ретрессив ривожланиш) дейилади. Тараққиётни фақатгина жамиятга қўллашнинг хатоси шундаки, жамиятдан ташқаридаги системаларда ҳам юксалиш рўй беради. Тараққиёт туфайли оламда мукаммаллашиб, юксалиш рўй беради, у вужудга келиш, мураккаблашиб, улғайиш, янгиланиш, тикланиш, система ясалиш жараёнлари тарзида амалга ошади. Тараққиёт яхлит жараёндир.” [1;323].

Хуллас, бу борадаги тадқиқотларни яқиндан ўрганиш жамият тараққиётини атрофлича ва чуқур ўрганиш учун етарлича манба бўлиб хизмат қила оладиган омиллар сари етаклайди. Уларни юзаки умумлаштириш эса бу борада фанда

– жамият тараққиётини ижтимоий-тариҳий воеилик сифатида тарихий талқин этиш;

– жамият ҳаёти ва унинг ривожланишига диний ёндашув; мифологик ёндашув; маданий, цивилизациявий ёндашув; ҳаёлий-утопик ёндашув; синфий ёндашув; формацион ёндашув; антропологик ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади. Уларнинг ҳар бирини таҳлил қилиш жамиятни билиш объекти сифатида яқиндан ўрганишда назарий манба бўлиб хизмат қиласиди.

Бугунги кунда жамият ҳаётининг шиддат билан ўзгараётгани, тараққиётда воеаҳодисаларнинг катта тезликда содир бўлаётганлиги натижасида ижтимоий фикрнинг тез ўзгараётганлиги ҳам реал ҳодисадир. Бу эса инсоният, жамият, биз, қаерга қараб бормоқдамиз? Келажакда бизни нималар кутмоқда? Инсон манфаатларини жамият тараққиётига хизмат қила олиш даражасида уйғунлаштириш мумкинми, агар мумкин бўлса, бунинг рационал йўллари нималардан иборат ва бунда самарали механизмлар қандай бўлади? Умуман, жамият тараққиётида эгоистик манфаатлар билан умуминсоний манфаатлар уйғунлигини қандай таъминлаш мумкин? Бунинг учун ҳалқлар ва давлатлар олдида қандай вазифалар турибди? деган саволлар илм-фан аҳлини жиддий бош қотириш учун мажбур килмоқда. Шундай экан, жамият тараққиёти билан боғлиқ муаммолар дол зарб гносеологик мавзу сифатида жамиятшуносликка оид фанларни ўрганиш жараённида таълим жараёнининг асосий мақсадларидан бири бўлиб қолади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004.

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига 2020 йил 29 декабрь кунги Мурожаатномаси



ҚАДРИЯТЛАР ФАЛСАФАСИ ВА ИЖТИМОИЙ ҚАДРИЯТЛАР

ФарПИ «Ўзбекистон тарихи ва
ижтимоий фанлар» кафедраси асистенти
Улуғбек Абдухалилович Азимов

Аннотация: Ушбу мақолада қадриятлар фалсафасининг Шарқ оламида шаклланиши, аксиологик дунёкараш элементларининг ижтимоий хаётдаги аҳамияти, ижтимоий қадриятларнинг асарларда талқин этилиши ва ёшларда аксиологик онгни ривожлантириш ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Калит сўзлар: қадрият, ижтимоий қадриятлар, қадриятшунослик, аксиологик онг, аксиологик дунёкараш, қадриятли муносабат, аксиологик баҳо.

Бизга маълумки, жамият маданияти маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири маънавий меросимизни чукур ўрганиш ҳамда ривожлантиришdir. Чунки мустақиллик шарофати илиа миллий қадриятларимиз тикланиб, дунёвий ва диний билимларга эга бўлиш учун барча имкониятлар эшиги очилди.

Умумий дунёкараш системасига аксиологик дунёкараш элементлари қўшилиши билан ижтимоий субъектларнинг воқеликка муносабатида қадрлаш туйғуси, қадриятли муносабат ва аксиологик баҳо яққол кўзга ташлана бошалайди. Бунда аксиологик принциплар кишиларнинг воқеликка муносабатларини, бир-бирларига нисбатан ўзаро алокаларини тартибга солувчи маънавий мезонлар сифатида намоён бўлади. Улар кишиларнинг фаолиятларини амалга оширишдаги манфаат ва мақсадларида ҳам кўзга ташланади.

Қадриятлар мавзуси кўхна ва навқирон Шарқ, унинг таркибий қисми бўлган Марказий Осиё ва Ўзбекистон мутафаккирлари ҳамда олимлари учун ҳам бегона эмас! Қадриятшунослик тарихининг энг теран жиҳатларини фақат Ғарбдан эмас, балки Шарқдан қидириш ҳам фойдадан ҳоли бўлмаса керак. Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, ал-Бухорий, ат-Термизий, Яссавий, Улуғбек, Бехбудий, А.Авлоний каби мутафаккир ва олимларнинг ижодида ҳам бу мавзунинг излари бор. Гап ана шу изларни излаб топишда, уларни унутмаслиқда, янгилашиб туришда, замона реалликлари нуқтаи назаридан холисона талқин қилишдадир. Қадриятлар муаммосининг фалсафий-тарихий таҳлили заминимизда яратилган қадимги нақллар, ривоятлар, афсона, ҳикоят, достонларга, яъни ҳалқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Ҳалқ оғзаки ижодида кўпроқ умумбашарий ва умуминсоний қадриятларга эътибор берилган, уларнинг моҳияти, мазмуни турлича талқин қилинган. Спетамен, Алномиш, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги достонларда ватанпарварлик, ҳалқ ва юрт озодлиги учун фидоийлик руҳи бадиий тасвирланган

Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос булиб утиши буларнинг барчаси янгидан янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб колмоги лозим.

Қадриятлар жамият ривожининг негизи, миллатнинг тарихий тараккиётида эришилган ютукларини авлоддан-авлодга утказувчи кудратли омилдир. Тарихга назар ташлар эканмиз, ҳар бир давлат узининг тарих утмишдан колган миллий қадриятларини ривожлантирмай туриб тараккий этмаган. Ёшлар онгидаги миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириш учун куйидаги омилларни амалга ошириш лозим:

1. Ёшларда муқаддас саналган она Ватанга садокат, ота-онага хурмат тушунчаларини ва тасаввурларини кенгайтириш;
2. Иймон, виждон ва бурч ҳакида реал тасаввурларни пайдо килиш;
3. Садокат, дустлик тушунчаларини сингдириш;
4. Мамлакат тарихини чукур ва асосли тарзда, миллий гояга асосланган холда тушуниши.

Шу билан бирга бугунги кунда анъанавий қадриятларимизни демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйгунаштириш келажакда янада равнак топишимизнинг мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига кушилишининг гаровидир.

Қадриятшунослик муаммоси билан бевосита шуғулланувчи мутахассислар, фалсафий билимларнинг шу соҳага алоқадор олим тадқиқотчилари зиммасига ниҳоятда катта вазифалар тушмоқда. Қадриятлар омилининг таъсирчанлигини ошириш, ёшларда замонавий аксиологик дунёкарашни шакллантириш борасида яъна бир қатор вазифалар бор.



Қадриятлар мавзуси билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш доирасини кенгайтириш, унинг жаҳон, минтақа ва республикамизга хос намоён бўлиб хусусият ва жиҳатларини таҳлил қилишни замонавий талаблар даражасига кўтариш борасида аниқ режаларни ишлаб чиқиш ва улар асосида фаолият олиб бориш зарур.

Қадриятшунослик қонуниятларининг маҳаллий шароитимизда қай тариқа амал қилишини намоён қилиш асосида, бу фаннинг истиқболларини ва самарасини кўрсатиш учун, мустақил руспубликамиз жаҳон қадриятшунослиги ютуқларини кенг тарғиб қиладиган қўлланма ва китобларни чоп этишни, аксиологиянинг замонавий муаммоларига бағишиланган илмий анжуманлар ўтказишни йўлга қўйиш лозим.[1.83]

М.С.Каган асарларида ижтимоий қадриятларнинг ўзгача талқини таклиф қилинади. Бир томондан, у ижтимоий қадриятларни турли сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан иборат бўлган ижтимоий гурухлар ўтасида ҳокимият учун курашдир, деган фалсафий тасаввурдан келиб чиқиб талқин қиласди. Бошқа томондан, ижтимоий қадриятларни тавсифлашда муаллиф шундан келиб чиқадики, улар “ижтимоий онгнинг ижтимоий-психологик дараҷасида миллий феъл-атвор, табақа психологияси, синфий ўзликни англашнинг макрогурух учун умумий бўлган жиҳатлари сифатида вужудга келади ва мафкуравий даражада назаријачилар томонидан шакллантирилади. Ижтимоий қадриятлар шахсдан устун туради, чунки тегишли баҳоларни индивид ўз номидан эмас, балки ўзи мансуб бўлган бирлик номидан беради, лекин мазкур баҳолар индивид ўзи мансуб бўлган бирликнинг манфаатлари ва идеалларини қай даражада идрок этгани билан белгиланади”[2.100].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жаҳонда кечаётган маънавий, маданий жараёнлар ёшларнинг борлик, ундаги моддий ва маънавий неъматларни кадрлаш туйгусини шакллантириш мухим аҳамият касб этмоқда. Бу эса ёшларда аксиологик онгни хар томонлама шакллантириш ва ривожлантириш, қадриятшуносликнинг ижтимоий хаётда аҳамиятли эканлигини билдиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Назаров.К «Қадриятлар фалсафаси». Т.2004 йил 83-бет.
2. Каган М.С. Философская теория ценности - СП(б): 2005. –С. 100.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

Кадирова Дилдора Сабирджанова.
Фарғона политехника институти ўқитувчиси
Телефон: +998916544637

Аннатация: Мақолада Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ бўлган манфаатларнинг кафолатли ҳимоя этилаётганлиги масалаларига эътибор қаратилган. Шу аснода унда Президент Ш.Мирзиёев томонидан ёшлар ҳуқуқларини хар томонлама ҳимоя қилиш мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнларининг муҳим омили эканлиги ғояси илгари сурйлган.

Калит сўзлар: мустақиллик, адолат, ҳуқуқий тенглик, инсон эркинликлари, ёшлар ҳуқуки, янги Ўзбекистон, демократик янгиланишлар.

Маълумки, давлат мустақиллигини қўлга киритгач, Ўзбекистонда ижтимоий адолат, ҳуқуқий тенглик, инсонпарварлик ва эзгулик тамойиллари тўлиқ қарор топган, юксак маънавият ва маърифатли жамият барпо этиш, юртдошларимизнинг асрий орзу-интилишларини рўёбга чиқариш имкони пайдо бўлди. Бундай мақсадларга эришиш эса аслида кўплаб омиллар билан бевосита боғлиқлиги барчага аён. Юртимизда истиқлоннинг дастлабки даврларидан бошлабоқ бу омиллар аниқ-равshan белгилаб олиниб, уларга таянган ҳолдасай-харакатлар амалга оширишга киришилганлиги, айтиш мумкинки, шу давр мобайнида эришилган барча ижобий натижаларнинг гарови бўлди. Бунда эътиборга молик жиҳати шундаки, уларнинг орасида ахолининг, шундай дейиш жоиз бўлса, энг нозик қатлами бўлган ёшларга нисбатан алоҳида муносабатда бўлинганлиги бўлди.

Қолаверса, мустақилликка эришилгач ёшларга нисбатан алоҳида муносабатда бўлиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи ҳам тақозо қила бошлади. Хусусан, бу даврга келиб жамият тараққиёти янги изга кўчирилиши билан айrim муаммоларга ҳам дуч келина бошланганлигини бугун ёдга олиш ўринлиdir.

Гап шундаки, жамият тараққиётига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири кишиларнинг муайян қадриятларга эътиқод қўйиб яшашидир. Мустақиллик туфайли эски совет тузумига хос бўлган қадриятлардан воз кечилиши туфайли муайян муддат мобайнида кишилар онгига ғоявий бўшлиқнинг вужудга келиши оқибатида айrim ёт ғояларнинг кириб келиш жараёнининг анча жонланиши рўй берди. Афсуски, бундай мафкуравий хуружлар таъсирига тушиб қолиши оқибатида кўп ҳолларда асосан ёшлардан иборат гурухлар ана шу ғаним кучларнинг заарли ғояларини сингдириб, уларнинг ноғорасига ўйнаш, ўз юрти ва Ватанига очиқдан-очиқ хиёнат қилиш, кишиларнинг тинч-осойишта турмушини бузиш, турли экстремистик ҳатти-харакатларни содир этиш йўлига ўтиб олдилар. Натижада барчамизнинг хотирамиздан ўчмас мудҳиши воқеалар сифатида ўрин эгаллаган баъзи қўпорувчилик ҳаракатларини содир этдилар. Ҳали ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, турмуш ташвишларини татиб кўрмаган, ҳаётнинг оғир-енгил синовларига дуч келмаган айrim ёшлар учун бундай маккорона қармоққа осонгина илиниш уларнинг бошига мудҳиши синовларни солди, дўст билан душманнинг, чин билан ёлғоннинг, ҳақиқат билан бўхтоннинг фарқига етиб улгурмаган содда ёшларимизнинг ўша вакиллари, пировардида, мураккаб ҳаётий имтиҳонлар билан юзма-юз келишига тўғри келди. Рўй берган ушбу тоифадаги воқеа-ходисалар ҳам ўз навбатида мамлакатимизда жамият ва давлат бошқарувида ёшларга нисбатан, уларнинг ижтимоий онги ва дунёқарашини шакллантириш, айниқса, ҳуқуқий онги ва маданиятини қарор топтириш масалаларига ўта долзарб масала сифатида қараш лозимлигини кўрсатди.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь кунга Республикамиз Олий Мажлиси ва халқига Мурожаатномасида ҳам алоҳида таъкидланганидек, юртимиз ахолисининг учдан икки қисми (65%) ёшлардан иборат, унинг истиқболи ҳам айнан улар қўлида. Шундай экан, юртимиз тараққиётининг эртанги куни ҳам бугунги ёшларга нисбатан қанчалик қайғуриш, уларнинг турли эҳтиёжларини атрофлича ўрганиш, меҳр-муруват кўрсатишга боғлиқ. Бу тўғрида Мурожаатномада алоҳида қайд этидики, эндиликда юртимизда "Бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-куватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит



ва узлуксиз тизим яратилади". Худди шу боис Президентимиз ташаббуси билан 2021 йил Ўзбекистонда “Ёшларни қўллаб-кувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш иили” деб аталди.

Мурожаатномада алоҳида урғу берилганидек, янгианаётган Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат сифатида мамлакатимиздаadolатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бормоқда . Юртимизда фуқароларнинг, айникса, ёшларнинг салоҳиятини кўтариш, уларнинг ҳуқуқий савияси ва билимларини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Айтиш мумкинки, ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш аввало халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, бой тарихи ва маданияти, ўтмиш қадриятларини ҳар томонлама чукур ўрганиш негизида амалга ошириш учун ҳаракат қилинаётганлиги бугунги кунда ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, халқаро миқёсдаги демократик қадриятларни пухта ўрганиш, дунё халқларининг ҳам бой прогрессив тараққиёт тажрибаларини эгаллаш ва ҳаётга тўғри тадбиқ этиш кабтларга ҳам таяниб иш тутилмоқдаки, бу ҳол Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашини янада тезлаштируммоқда. Бу борада демократик қадриятларни кенг қарор топтириш орқали кишилик жамиятидаги зўравонлик,adolatcizlik, эксплуатация ва тенгиззлик каби иллатларга барҳам бериш, бунинг ўрнига инсониятнинг баҳтили ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, инсонга тегишли бўлган муқаддас ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ амалга ошириш, бунга халақит берадиган жамики иллатлардан халос бўлиш ғоялари илгари суримоқда ва амалга оширилмоқда.

Аслида, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига хос бўлган ғоялар ўтмиш авлодларимизнинг илмий-маънавий меросида ҳам етакчи ўрин тутади. Бугунги кунда бу борада амалга оширилаётган тажрибалар ана шу ўлмас меросимиз сарчашмаларидан озиқланаётганлигининг натижасидир, десак айни ҳақиқат бўлади. Жумладан, ижтимоийadolat, қонун устиворлиги, жамоага ҳурмат, ахлоқий баркамоллик, маънавий етуклиқ, умуминсоний тенглик, инсонпарварлик, эзгулик ва ўзаро меҳр – оқибат каби ғоялар “Авесто”, - Қуръони карим, Ҳадислар, Фикҳ таълимотида ҳам эзгу қфарашлар сифатида тарғиб қилинган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотурудий, Бурхониддин Марғилоний, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Жалолиддин Румий, Низомулмулк, Кайковус, Махмуд Қошфарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Юғнакий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон каби алломаларимиз ва мутафаккирларимизнинг ижоди ва асарларида ҳам мазкур ғоялар марказий ўрин тутади. Бу ғояларни ёшлар онгига сингдириш ва уларни шу ғоялар руҳида тарбиялаш барча ўтмишдошларимиз маънавий меросидан муҳим жой эгаллаган. Шу боис улар ана шу эзгу ва бунёдкор ғояларнинг улкан тарғиботчилари ҳам бўлишган. Улардаги сиёсий, ҳуқуқий, гуманистик қарашлар келажакка ишонч билан интилиш, тараққиёт ва юксалиш тамойилларини таъминланишда Республикаимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни рўёбга чиқаришда маънавий мезон ва замин бўлиб хизмат қилиб келмоқда, юртимизда рўй бераётган туб ўзгаришларнинг назарий кўмакдоши ролини ўтамоқда. Уларни пухта эгаллаш ва ўзлаштириш мамлакатнинг эртанги куни ва келажагини барпо этиш учун барча маъсулиятни ўз зиммасига олган ёшлар учун айникса зарур. Ваҳоланки, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамияти қуриш масалаларига миллий тарихимизда биринчи бор рўбару келиб турган юрт ва унинг ёшлари учун ана шу қадриятларга таяниб иш тутиш фавқулодда аҳамият касб этади.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг яқинда юртимиз ёшлари билан очиқ мулоқот чоғида мамлакатимизда ёшлар муаммоларини ўрганиш, уларни ўз вақтида ҳал қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳимоя қилиш, манфаатларини кўзлаб иш тутиш, уларни бунёдкорлик ғоялари атрофида бирлаштириш ва яқдил қилиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрликлар мисолида қайд этилди.

Зотан, фуқаролик жамиятида шахс ва инсон манфаатлари ижтимоий манфаатларнинг негизини ташкил этади. Бироқ демократик тараққиёт эса шахс манфаатлари билан ижтимоий манфаатлар уйғунлигини таъминлашни тақозо қиласи. Ушбу вазифани шахс-жамият, шахс-давлат ва жамият – давлат тизимлари ўртасидаги муносабатлар, тўғрироғи, ушбу муносабатларни шакллантирувчи демократик институтлар рўёбга чикаради. Бу институтларнинг барчаси ўз фаолиятида ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатларини кўзлаб иш юритиши



лозимлиги социал тараққиётнинг муҳим шарти эканлигини мустақил мамлакатимиз ривожининг ўтган қисқа ва айни пайтда сермазмун даври яққол кўрсатди.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига 2020 йил 29 декабрь кунги Мурожаатномаси
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017.



ПРОБЛЕМА СМЕРТИ И БЕССМЕРТИЯ В ФИЛОСОФИИ

Зуева Арина Викторовна, Зуева Виктория Викторовна

Студентки бакалавриата,

Нукусского Государственного Педагогического Института,

zuevaarina712@gmail.com 93-714-88-44

Аннотация: Мы смотрим на мир, и у нас возникает множество вопросов к нему и определения нашего места в нем. В данной статье рассматривается проблема о смысле жизни человека, мнение античных мыслителей и представителей Киренской философской школы, а также понятие о смерти и бессмертии в эпоху Просвещения.

Ключевые слова: смысл жизни, мир, существование, бытие, рождение, смерть.

В чем заключается смысл существования? Какое место человек занимает в этом мире? Какова задача всякого из нас в жизни? Эти вопросы беспокоят людей уже на протяжении множества веков, и именно философия имеет возможность осветить эти вопросы, помочь понять жизненные смыслы человека в течении его жизни.

Человек - единственное существо во Вселенной, которое способно обдумывать конечность собственного существования, и это порождает вопрос о значении жизни. Данным он выделяется от иных форм жизни.

Вопрос о смысле жизни интересовал человека всегда. Ответ на него искали Демокрит и Эпикур, в поисках осознания природы блага и основ нравственности человека его оценивали Сократ, Платон, Аристотель. В современной философии проблема смысла жизни становится ведущей для философии экзистенциализма (М. Хайдеггер, А. Камю, К. Ясперс, Г. Марсель и др.)

«Человек - это такое бытие в мире, которое, пребывая в бытии, сопряженным с бытием - озабочен им, печется о нем, задается вопросом о нем и вопрошают его» [1, с. 21].

Один из основоположников немецкого экзистенциализма М. Хайдеггер считал, собственно, что главная задача философии - ответить на нескончаемые вопросы о смысле людской жизни. Как раз данная способность человека считается основным признаком личности.

Стремясь к свободе, человек чувствует заботу, тревогу и бремя мира, и необходимость постоянно утверждать себя в нем. «Человек познает бытие каждый день, сквозь все, что происходит и все, что он делает.

Мы глядим на мир, и у нас появляется большое количество вопросов к нему и определения нашего места в нем. Сквозь разум, волю, чувства мир предлагает нам ответы на наши тревожные вопросы» [2, с.51].

Один из весомых признаков существования человека – это время. Ничто не вечно, и человек не считается исключением.

Время нашей земной жизни ограничено, и мы все это прекрасно осознаем. Ориентируясь на будущее, прогнозируя его, человек преодолевает страх от понимания собственной конечности.

В чем же заключается смысл жизни? Ради чего мы живем и «хватаемся» за жизнь? Ради чего люди вообще появились на свет, почему мы существуем, какую миссию призваны выполнить? Античные мыслители часто видели смысл жизни в удовольствии, когда человек, не ограничен ни в чем, но при этом он имеет возможность самосовершенствоваться. Представители Киренской философской школы Аристиппа и Федор считали, что смысл жизни – это наслаждаться тем, что есть в данный момент, истинным.

В эпоху Просвещения смысл жизни человека понимается как возможность утверждение его как личности. Кант считал, что смысл жизни человека заключается в осознании им собственного людского бытия. И. Фихте видел смысл бытия в самосовершенствовании и гармонии с собой и т.д.

Процесс рождения и смерти побуждает нас к размышлениям о промежутках между этими процессами, о времени жизни, данном каждому человеку. Так уж сложилось, что все, что содержит начало - имеет и конец, это относится и к нашей жизни.

Смерть считается остановкой жизнедеятельности организма - это общераспространен-



ное определение понятия «смерть». Но с философской точки зрения, оно не является достаточным. Смерть, вправду, является прекращением жизнедеятельности, но это еще и возможность для перехода из одного измерения в другое.

С религиозной точки зрения, «смерть не считается завершающим окончанием жизни, а лишь только прекращением жизни души в теле» [3, с. 73]. Понятием, противоположным понятию жизни, является бессмертие.

Бессмертие - это вечное существование, абсолютное исключение смерти.

С естественнонаучной точки зрения, бессмертие невозможно, т.к. это противоречит самому содержанию понятия живого. Религиозное понимание природы человека трактует бессмертие по-другому.

Религии от самых древних до современных понимают бессмертие в двух качествах: или как вознаграждение за достойную жизнь, или же в качестве наказания за греховные поступки. Идея бессмертия души – основа всех религиозных систем.

Человеку довольно непросто понять сущность бессмертия, поскольку оно выходит за пределы его земного, физического существования.

Мысли о бессмертии и стремление обрести его - это стремление выйти за пределы природного мира, в котором все живое свидетельствует о неотвратимости конца.

Философия, которая порой признает тезис о бессмертии души, все-таки жаждет решить проблему смысла жизни обширнее и более тесно связывает ее решение с реальной, доступной нашему познанию действительностью. Осмысление собственной смертности в рамках личного будущего опыта становится конкретным средством для сотворения иной динамики жизни, для поиска путей сохранить память о своем существовании в той или иной форме. Когда человеку это удается, он обретает бессмертие.

Список литературы:

1. Илющенко В.И. Отец Александр Мень: жизнь, смерть, бессмертие / В.И. Илющенко. - Москва: Эксмо: Книгоноша, 2013. – С. 670.
2. Калугина С.А. Жизнь-смерть-бессмертие в духовной традиции русской культуры / с.А. Калугина. – М.: Пашков дом, 2010. - С. 73-77.
3. Соболь, А.А. Тайны смерти и бессмертия: может ли человек жить вечно? / А.А. Соболь. - Москва: Эксмо, 2011. – С. 189.



МАФКУРАВИЙ КУРАШ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Олтмишева Насибахон Ғуломжоновна
Фарғона политехника институти катта ўқитувчиси
Телефон: +998913256959

Аннотация: Ушбу мақолада жамиятимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш жа раёнлари, мазкур ўзгаришлар туфайли юз бера бошлаган маънавий муҳитдаги ўзига хос ҳолатлар, ёшларнинг онги ва маданиятини ўстириш каби масалалар баён этилган.

Калит сўзлар : мафкура, тараққиёт, ёшлар тарбияси, маданият, миссионерлик, прозе-литизм, глобаллашув.

Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йилнинг 29 декабрь куни мамлакатимиз парламенти ва халқимизга қилган Мурожаатида бир қатор муаммолар қатори Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар жараёнининг айrim жиҳатлари хусусида гапириб, бунда ёшлар тарбиясининг ўрни ва аҳамияти масалаларига алоҳида тўхталиб ўтишди. Кейинги ўн йил-ликлар эса жаҳон тараққиётида, хусусан, собиқ иттифоқ таркибига кирган республикалар жойлашган худудларда содир бўлган туб ўзгаришлар жамият ҳаётини ташкил қилиш, хусусан, ёшлар тарбиясини йўлга кўйиш борасида бир қатор муҳим муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқлигини кўрсатди. Жумладан, давлат бошқарувини амалга оширишда демократик тамойилларга таяниш, қонун устуворлигини таъминлаш, бозор иқтисодиётига хос бўлган ижтимоий-иқтисодий укладларни қарор топтириш, давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни мустахкамлаш, уларнинг фаоллигини ошириш, ёшларнинг онги ва маданиятини ўстириш, давлат ва жамият олдидаги масъулиятини кўтариш каби масалаларни ҳал қилишга эътиборни қаратмасдан туриб янги типдаги фуқаролик жамиятини ўрнатиш мумкин эмаслигини даврнинг ўзи яққол кўрсатди. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда мазкур муаммоларни тезкор равишда ҳал қилишга жиддий эътибор қаратила бошланди.

Бироқ мустақиллик йиллари мобайнида ўтган қисқа давр жамиятимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш жараёни эскилиқ билан янгилик ўртасида мавжуд бўладиган зиддият ва қарама-қаршиликларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган бир қатор жиддий муаммоларга дуч келиш мумкинлигини ҳам кўрсатди. Гап шундаки, собиқ иттифоқнинг парчаланиб кетиши оқибатида унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил давлатлар, қолаверса, социалистик лагернинг емирилиши туфайли Европа ва бошқа қитъаларда рўй берган чуқур ўзгаришлар дунё ҳалқлари ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Ушбу таъсир, бир томондан, демократиянинг авж олиши, икки кутбли дунёning барҳам топганлиги, ҳалқлар ва давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш имкониятларининг авж олишида ўз аксини топган бўлса, иккинчи томондан, мазкур ўзгаришлар туфайли юз бера бошлаган маънавий муҳитдаги ўзига хос ҳолатлардан айrim мафкуравий кучлар ўз мақсадлари йўлида унумли фойдаланиш учун астойдил ҳаракат қила бошлаганликларида ҳам яққол кўзга ташлана бошлади. Буни, хусусан, диний ақидапарастлик ва экстремистик кайфиятдаги айrim деструктив кучлар ўзларининг ёвуз ниятларига эришиб, қўплаб ёшларимизни йўлдан уриш, амалдаги конституцион тузумни ноқонуний ўзгартириш ниятида қўпорувчилик ҳаракатларини содир этганликлари мисолида кўришимиз мумкин. Шуни таъкидлаш зарурки, бугунги кунда ҳам ягона ислом давлатини ўрнатиш ва халифалик тузумини қайта тикиш ёки турли миссионерлик ва прозелитизм каби ғояларни сингдириш орқали ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллаб олиш мақсадидаги мафкуравий курашнинг авж олдирилаётганлиги, табиийки, бутун жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Ана шундай вазиятда кейинги йиллар мобайнида Республикаимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигига мамлакатимизда диний бағрикенглик тамойилларига қатъий риоя қилиш, қайси миллат ва ҳалқ вакили бўлишидан қатъий назар барча ижтимоий муносабатлар қатори эътиқод масалаларида ҳам ўта толерант турмуш тарзи талаблари амалга оширилаётган ва айни пайтда турли сабабларга кўра бу борада хато йўлга кириб қолганларга нисбатан имкон қадар кечиримли бўлиш каби қадриятлар ёшларимиз тарбиясида ғоят катта аҳамият касб этмоқда.

Эслаш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йилларида эски қадриятлардан воз кечилган,



янги қадриятлар ва ижтимоий муносабатлар ҳали шаклланиб улгурмаганлиги оқибатида жамиятнинг маънавий ҳаётида рўй берган ғоявий бўшлиқни ўзларининг тор мақсадларини акс эттирувчи агрессив ғоялар билан тўлдириш ниятидаги ваҳҳобийлик, ҳизбут-тахрир сингари деструктив оқим ва уюшмалар фаолиятининг жонланиши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда жиддий тўсиқ бўлди. Уларнинг кўзлаган асосий мақсадлари халқимизнинг хоҳиш ва иродасига зид равишда юртимизда ислом давлатини барпо қилиш, жамият ва давлат бошқарувини шариат қонунлари ва талаблари асосида амалга ошириш, демократик тараққиёт томон юз тутган юрт равнаки ва ривожини орқага буриш, кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилиш кабилардан иборат бўлди.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда дунёнинг ҳеч бир минтақаси ёки ҳеч бир давлати деструктив кучлар таҳдидидан холи эмас. Ушбу кучларнинг ҳаракати ва фаолияти кўплаб мамлакатларда қўпорувчилик ва терроризм билан бевосита боғланиб кетаётганлиги ўта хавфлидир. Шу маънода XX аср одамзот тарихида деструктив кучлар томонидан турли хил йўллар билан ўз таъсир доираларини кенгайтириш учун олиб борилган астойдил курашлар даври бўлди, десак хато бўлмайди. Бунда Осиё ва Африка мамлакатларининг асосий кураш майдонига айланиб қолганлиги ҳам характерлидир.

Деструктив кучлар томонидан ўзларининг кўзланган мақсадларига эришиш йўлида пухта ўйланган режа ва дастурлар ишлаб чиқилаётганлиги, уларда белгиланган вазифаларни бажариш учун жуда таъсирчан усул ва воситалардан фойдаланилаётганлиги ҳам фуқаролик жамиятини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Биргина миссионерлик ҳаракати тарафдорлари бутун дунёни христианлаштиришни мақсад қилиб олганликлари ва жуда узокни кўзлаб иш тутаётганликлари улар томонидан чоп этилаётган “Бутундунё христиан энциклопедияси” (2001 й.), “Бутунжаҳон христианлиги тенденцияси” (2002 й.) каби китобларнинг номларидан ҳам яққол кўриниб турибди. АҚШ да чоп этилган ушбу китобларнинг кейингисида эса ер юзи ахолисини 2025 йилга қадар христианлаштириш мақсадида амалга ошириладиган муайян вазифалар режалаштирилган.

Мафкуравий муддаолар учун кураш олиб бораётган деструктив кучлар томонидан ҳаракат фаолиятининг асосий обьекти сифатида талаба-ёшларга жиддий эътибор қаратилаётганлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бунда талаба ва ёшларга катта аҳамият беришаётганликларидан кўзланган мақсад эса яқин келажакда давлат бошқарув органларида турли даражадаги лавозимларни эгаллаш имкониятига эга бўлган потенциал кучлар бўлган ушбу ахоли қатламини ўз таъсир доираларига тушириб олишдан иборатdir. Ваҳоланки, турли деструктив кучлар таъсирига тушиб қолган бундай ёшлар жамият бошқаруви бўғинларида масъул лавозимларга кўтарилиш эҳтимоллиги юқори. Бу билан, айтайлик, христианликни қабул қилган прозелит шахсларнинг, яъни деструктив кучлар вакилларининг миқдори ва таъсир доирасини янада кенгайтириш учун замин яратилади.

Деструктив кучларнинг жамият тараққиётiga салбий таъсири, мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш ва бекарорлаштириш борасидаги уринишлари айrim мамлакатларда рўй бераётган ғайриқонуний воқеа-ходисалар, айrim кишилар томонидан амалга оширилган хунрезликлар, ҳукумат учун талашаётган гуруҳлар томонидан содир этилаётган сиёсий бошбошдоқликлар, сиёсий-ҳуқуқий ваколатга эга бўлган ҳокимиятнинг ўзини йўқлиги, омонат ҳукуматнинг заифлиги туфайли ахолининг кўпчилик қатламлари томонидан жиддий тан олинмаётганлиги кабиларда кўзга яққол ташланмоқда. Буларнинг барчаси эса деструктив кучларнинг кўзлаётган мақсадларига тўлиқ мос келади, десак муболаға бўлмайди. Зоро, фуқароларнинг тинчлигини бузиш, осоиишта турмуш кечиришига ҳалақит бериш, халқнинг бирдамлигига путур етказиш, ички низоларни келтириб чиқариш орқали жамият ва давлат бошқарувини издан чиқариш ва пировард оқибатда юзага келган мавҳум вазиятдан фойдаланган ҳолда ўзларининг мақсадларига эришиш деструктив кучларнинг асосий муддаосидир.

Шундай экан, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида барча вазифалар қатори ёшларимизнинг манфаатларига зид бўлган, давлат ва жамият тараққиётини издан чиқаришга қаратилган, демократик қадриятларнинг қарор топишида тўсқинлик қиласидиган ҳар қандай кўринишдаги деструктив кучлар фаолиятига қарши курашиш зарур. Айни пайтда уларни



моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган хорижлик ҳамкорларнинг ёрдамлари-га барҳам бериш, улар томонидан ишлаб чиқилаётган турли режа ва дастурларнинг кириб келишига ҳамда амалга оширилишига йўл қўймаслик ҳам мамлакатимизда ёшлар тарбияси жараёнидаги муҳим вазифалардандир. Қолаверса, Президентимизнинг Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаатномасида ҳам махсус тўхталиб ўтилганидек, ёшлар тарбиясида энг муҳим аҳамият касб этадиган омиллардан яна бири уларнинг фойдали меҳнат билан банд бўлиши, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш иқтидор эгалари ва истеъодод соҳибларининг ўз имкониятларини тўлиқ намоён эта олиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришдан иборат.

Мамлакатимизда ёшлар тарбиясини худди шу йўсинда ташкил қилиш мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февраль кунги 4747-сонли Қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини ривожлентиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Харакатлар стратегияси ҳамда “Ёшлар – келажагимиздир” Давлат дастурлари билан бирга “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш” Давлат Дастирининг мақсад-муддаолари билан узвий боғлиқ бўлган вазифалар билан ҳам ҳамоҳангдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: ”Ўзбекистон” 112 бет 1997 й.
2. “Маданиятшунослик асослари”. “Фарғона” 46 бет 2006 й.
3. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: ”Маънавият”, 2008, -Б. 52.
4. Чориев С. Экологик сиёsat ва шахс баркамоллиги. // Экологический вестник. 1999. № 1-2. - С. 9.
5. Зиямухамедов Б. Экология и экологическое воспитание школьников. Ташкент: Ўзбекистон, 1989. С.6-14.



ЖАМИЯТНИНГ ДЕМОКРАТЛАШУВИ ШАРОИТИДА ШАХС ЭРКИНЛИГИ

Тешабаева Лола Ориповна
Фарғона политехника институти
катта ўқитувчиси
Телефон: +998916544637

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар, инсон хукуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, демократик ўзгаришлар шароитида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти шаклланиш жараёнлари баён этилган.

Калит сўзлар: демократик янгиланишлар, шахс эркинлиги, инсон хукуқ, адолат, тенглик, инсонпарварлик, қадриятлар, тасаввуф фалсафаси

Кейинги йиллар мобайнида Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларининг ўз ижросини топиши амалда ҳар бир шахс ва фуқарода, аввало, мавжуд хукуқ ва қонун нормаларига нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришда ўз аксини топмоқда. Айнан демократик ўзгаришлар шароитида қонун устуворлигини ҳаётий заруратга айлантириш, фуқароларнинг хукуқлари ва эркинлигини кафолатли ҳимоялаш, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фанлар кесимида жамияти демократлаштириш муаммоларининг назарий асосларини фалсафий таҳлил қилиш талаб этилади. Хукуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, сиёсий-хукуқий тизимни ислоҳ этиш ва бу борада мавжуд муаммоларни ўрганиш зарурати орқали жамиятнинг демократлашуви жараёнида шахс эркинлигини чукур ва батафсил ўрганиш фуқаролар хукуқий маданиятини шакллантириш, хукуқий таълим-тарбия воситалари, усуулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий муаммолар билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар негизида инсон хукуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳар бир шахснинг қобилияти, эҳтиёжи ва манфаатлари учун зарур шарт-шароитлар яратадиган жамият барпо этиш мақсади ётади. Бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев алоҳида таъкидлаганидек: “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, ҳалқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак” [1;114].

Маълумки, жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самарадорлиги, аввало ҳалқ маънавияти ва эркинлигини тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чукур ўрганилиши, муқаддас анъаналаримизнинг абадий сақланиши, энг муҳими, миллат тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир. Ана шундай шароитда ўз эркинлиги, ҳақ-хукукини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил тарзда ёндоша оладиган, айни чоғда шахсий манфаатларини миллат ва ҳалқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси, таъкидлаш лозимки, айниқса, кейинги йиллар янги Ўзбекистон учун ҳал қилувчи масалага айланди. Булар, аввало, аҳолининг интеллектуал салоҳияти имкониятларини очиш орқали уларнинг фикр эркинликларини таъминлаш, миллатнинг хукуқий маданияти ва фаоллигини кучайтириш асосида шарқона демократия тамойиллар ривожини миллий қадриятлар асосида уйғуллаштириш, шахс камолоти шаклланишига ижобий таъсир этувчи институтлар фаолиятини такомиллаштиришнинг хукуқий асосларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Табиийки, мазкур вазифалар, шубҳасиз, бир зумда амалга ошадиган жараён эмас. Шу жиҳатдан, мамлакатимизни модернизация қилиш ва эркинлаштириш, сиёсий-хукуқий ва ижтимоий-иқтисодий тизимни янгилаш вазифаси негизида миллат тафаккурини, хукуқий онги ва маданиятини такомиллаштириб боришни зарурй талабларга айланмоқда. Бу эса айни дамда, ҳалқимизнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш орқали жамиятни демократлаштириш жараёнида шахс эркинлигининг роли ва таъсирини тадқиқ этиб боришни кун тартибига қўймоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг миллий дав-



латчилик тарихини тадқиқ этиш борасида шахс эркинлиги таъсир доирасини ўрганишга қаратилган, айни пайтда халқимиз тарихи билан боғлиқ бўлган фожиалар оқибатидан сабоқ чиқаришга мойил бўлган асарлар яратилди, улар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ўзликни англаш туйғуси, диний, миллий ва умуминсоний қадриятларимизни ижтимоий турмушимизнинг барча жабҳаларига сингдиришда назарий дастур бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Шу маънода, Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг миллий давлатчилигимиз маънавий-ахлоқий асосларини ривожлантириши устувор вазифа сифатида мақсад қилиб олгани ҳолда барча ислоҳотлар мезонини инсон манфаатлари, эркинлик, адолат, тенглик, инсонпарварлик каби қадриятлар ташкил этишини алоҳида уқтириб келишаётганлиги бежиз эмас. Худди шу боис бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан ҳам ушбу муаммога янгиланаётган Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада самарали амалга оширишнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралмоқда.

Тарихан қараганда халқимизда жамиятни демократлаштириш муносабатида шахс эркинлигини таъминлаш масаласида Farb ва Шарқдаги қарашларда умумийликдан ташқари муайян тафовутлар ҳам бор. Гап шундаки, Farb демократиясида ушбу масалада ҳуқуқий қонунларга суюнган ҳолда иш кўрилади. Яъни, индивидуал шахс ва жамият эркинлиги масаласи қонунга мувофиқ тарзда тартибга солиниши устивор ҳисобланади.

Бироқ, аслида реал ижтимоий ҳаётда эса юзага келадиган барча муаммоларга, ҳодиса ва ҳолатларга ҳуқуқий меъёрларга асосланган қонунлардан жавоб топиш қийин. Худди шу боис бундай муаммоли вазиятларга шарқда асрлар мобайнида синовдан ўтган дунёвий ва диний, ахлоқий ва маънавий қадриятлар доирасида шаклланган шахс эркинлиги тушунчаси қўл келади.

Бунда, аввало, шарқона демократия тамойилларининг устиворлиги тушунилади ва назарда тутилади. Лекин шахс ҳатти-харакати, хулқ-атвори, жамиятдаги ўрни, масъулиятини идрок этиш ҳолатларига баҳо берилганда муайян гурух, этнос, халқ, миллат, жамиятнинг манфаатлари, ҳуқуқларига алоҳида қадриятлар, анъаналаридан келиб чиқсан ҳолда ёндошилади. Айни маънода, жамиятни демократлаштириш жараёни бу ҳар икки омилдан уйғун ҳолда фойдаланиш эркинликни ва ўз қадр-кимматини, инсоний ғурурини барча нарсадан устун қўядиган курашчан шахс шаклланишининг кафолатидир. Ҳақиқатан ҳам бу омиллар шахс шаклланишининг асосий жиҳатларини ташкил этади. Бироқ бунда шахснинг жамият тараққиётидаги амалий фаолиятини эътиборга оладиган бўлсак, шахс ўз фаолияти натижасида жамият тараққиётини олдинга ёки таназзулга қараб боришига сабаб бўлиши мумкин. Бунга тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган тарихий шахслар фаолияти мисол бўла олади.

Farb кўпроқ алоҳида шахс эркинлиги ғоясига таяниб, унга устивор қоида сифатида қараб келган бўлса, шарқда эса, шахс эркинлиги ва ҳуқуқлари жамоада мавжуд тартиботлар, қадриятлар, анъаналар билан уйғунлашиб кетган. Шахс эркинлигини эътироф этиш, унинг жамиятдан ташқарида эканлигини билдирамайди. Бу жараён шахс ва жамият уйғунлигига намоён бўлади. Халқимизнинг эркинлик билан боғлиқ ҳоҳиш-истаги, дунёқараши эрамиздан олдинги зардуштийлик динига бориб тақалади. “Авесто”да илгари сурилган ғоялар, бугун миллий ғоямизнинг бош йўналиши адолатпарвар, демократик давлат барпо этиш вазифалари билан ҳамоҳанг. Айникса, ундаги “Эзгу ният, эзгу фикр, эзгу амал” деган тамойил умуман эркинлик, хусусан шахс эркинлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шарқ илоҳиёти ва фалсафий таълимотларида эркинлик тушунчасига ёндашувларда ўзига хослик мавжуд. Яъни инсон, комил инсон, мусулмон ёки буддавий тушунчалари орқали шахс эркинлиги англанилган. Тасаввуф фалсафасида бойишга интилиш, адолатсизлик, зўравонлик каби ижтимоий иллатларни қораловчи, инсонларнинг Худо олдидаги тенглиги, олий ибтидони англаш даражасидаги эркинликка доир ақидалар илгари сурилади. Шарқ фалсафасининг муҳим жиҳатларидан бири «меъёр» тушунчасига катта аҳамият берилишидир. Аслида демократия – меъёрга асосланган сиёсий маданиятдир. Бу меъёр ҳуқуқ ва бурч, эркинлик ва тинчлик ўртасида бўлган мувозанатни ҳам англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь кунги Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида барча ривожланган дунёвий давлатлар қаторида юртимизда ҳам жамиятни демократлаштириш жараёнида эркин ҳамда адолатпарвар, дунёвий давлат қуриш масалаларини илгари суришди. Бунда Президентимиз таклиф-



ларида фуқаролик жамияти шаклланишига кенг йўл очиш ва мамлакатда шахс эркинлиги-ни қарор топтириш омиллари ўз ифодасини топган. Таъкидлаш лозимки, Мурожаатномада жамиятни демократлаштириш билан боғлиқ ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари таъминланиши, қонун устиворлигига тўлиқ эришиш ва диний бағрикенглик тизимига, инсон манфаатларига хизмат қилган чоғдагина ҳақиқий эркинлик юзага келиши ғояси илгари сурилди.

Жамиятни демократлаштириш жараёнида эркинлик шахс ижтимоий фаолиятининг ахлоқий мезони бўлиб, жамиятнинг барқарор ривожини таъминлаб берувчи омил сифатида намоён бўлади. Шахс ёхуд жамиятнинг маълум бир аъзоси ўз эркинлик қобилиятини миллий, дунёвий ва диний қадриятлар негизида ахлоққа боғлаши жамиятнинг истиқбол имкониятларини кенгайтиришга олиб келади. Шу маънода эркинлик тараққиётнинг зидди эмас, балки унинг негизи бўлиб, жамиятнинг ривожланиш ва юксалиш жараёнларида фавқулодда аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлариданоқ шахс эркинлиги устиворлиги асосида миллат манфаатлари давлат манфаатларидан устивор эканлиги таъминланган адолатли, ҳуқуқий демократик давлат куриш ва фуқаролик жамияти шаклланишига йўл очишни тадрижий демократик ислоҳотларнинг бош мезони қилиб олганлиги ҳам худди ана шу билан изоҳланади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига 2020 йил 29 декабрь кунги Мурожаатномаси



ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР

Тўхтаров Исматилло Муродович
Фарғона политехника институти ф.ф.н. доцент
Телефон: +998901650124

Аннотация: Ушбу мақолада инсоният тараққиётининг ижтимоий-иктисодий, маънавий-маданий ҳаётидаги ривожланишлар, минг йилликлар қаъридан куч оладиган миллий фалсафамиз ривожини янги босқичга кўтариш, уни замонавийлаштиришга қаратилган саъй-харакатлар акс эттирилган.

Калит сўзлар: ижтимоий тараққиёт, фалсафий тафаккур, “ўзбек фалсафаси”, умуминсоний қадриятлар, “социалистик турмуш тарзи”, “атеистик дунёқарашни шакллантириш”, “маданиятшунослик масалалари”

Бутун инсоният тараққиёти ҳар бир халқнинг ўз тарихи, тили, анъана ва қадриятлари сингари, унинг ўзига хос фалсафаси ва маънавияти ҳам мавжудлигидан далолат беради. Фалсафа, гарчи универсал қонун ва категорияларни ўрганувчи умуминсоний фан ҳисобланса ҳам, айни пайтда, бутун башарият ҳаётига хос муаммолар билан бирга муайян халқ турмуши ва тараққиётiga оид қонунларни, мақсад-муддаоларини ифода этиши билан ҳам фанлар орасида алоҳида ажралиб туради. Худди шу боис турли даврларда давлат ва жамият бошқарувида мазкур фан асосларини ўқитиш негизида ёш авлод онгida фалсафий тафаккур юрита олиш фазилатларини шакллантиришга катта эътибор бериб келинган. Чунки барча замонларда борлиқ муаммоларини яхлит тасаввур эта олиш билан бирга унинг ривожланиши ва тараққиётини аниқ-равшан кўра оладиган, ушбу тараққиёт силсиласида жамият равнақи ва ривожи масалаларини кенг қамровли англай олиш сифатларига эга бўлган тафаккур эгалари алоҳида қадрланган. Антик давр мутафаккирларидан бири, бекорга, давлатни файласуфлар бошқаргани маъқул, деб таъкидламаган эди. Бу эса ўз навбатида фалсафа фанини пухта ўрганиш зарурлиги замон ва макон сарҳадларидан ташқарида эканлигини тасдиқлайди.

Мустақилликка эришилгач Ўзбекистонда фалсафа фанини ўрганишга нисбатан муносабат ана шу заруриятни эътиборга олган ҳолда ўзгара бошлаганлиги, айтиш лозимки, жуда ижобий ҳодиса бўлди.

Бу борада собиқ Иттифок даврида аҳвол ачинарли ҳолга келиб қолганлигини эслаш ўринлидир. Чунки бу даврга келиб барча соҳалар сингари фалсафа фани тараққиёти ҳам сиёсий тамойиллар мезони ёрдамида ўлчангандиги кўзга яққол ташланадиган ҳолга айланди. Барча қадриятларни марксча-ленинча қарашлар мезонига солиштириш, фалсафий тафаккурни шакллантириш тарозуси бўлиб ҳам ана шу “доҳийлар” фалсафаси асос бўлиб хизмат қиладиган мутлақ ҳақиқатни тарғиб қилиш кенг қулоч ёйдирилди. Фан ва фалсафа якка ҳукмронлик қилган коммунистик партиянинг ғоявий қуролига айлантирилди. Оқибат шу бўлдики, совет даврида миллий фалсафий тафаккур юритиш ҳукмрон мафкура қобиқлари доирасида кун кўришга мажбур бўлди.

Мустақиллик туфайли бугун юртимизни бутун дунё таниган ва тан олган бир даврда “ўзбек фалсафаси” тушунчасининг кенг микёсда илмий истеъмолга кириб келаётганлиги, шубҳасиз, жуда қувонарли ҳолdir. Зеро, шукрлар бўлсинки, фалсафий фикр ва тафаккур тараққиётida жуда узоқ ва бой анъаналарга эга бўлишимизга қарамасдан бир неча ўн йилликлар мобайнида айрим ёт кучлар томонидан ҳалқимизнинг илмий мероси эътироф этилиш ўрнига, унга нисбатан отилган таъна тошларидан миллий фалсафамиз нуфузи завол кўрмади.

Фан тарихи билан яқиндан танишув шундан далолат берадики, Шарқ фани кўплаб гарблик тадқиқотчilar томонидан “қўчирмакашлик”, “илмий янгиликнинг йўқлиги”, “умуминсоний қадриятлар даражасида эмас”лиги сингари ноҳақ сифатлар билан айблаб келинди. Юзаки қараганда илмий изланишлар ва тадқиқотлар ҳам бир маромда амалга оширилгандек туюлса ҳам, аслида “социалистик турмуш тарзи”, “атеистик дунёқарашни шакллантириш”, “маданиятшунослик масалалари” каби мавзулар сунъий равишда дол зарблаштирилиб, қатор-қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди Пировард оқибатда эса бундай тадқиқотлардан ўзбек фалсафаси ҳеч қандай наф кўрмади,



балки унинг обрў-эътибори тушиб, тадқиқотлар самарадорлиги ошиши ўрнига диссертациябозлик авж олди, илмий унвонларни тезроқ қўлга киритиш асосий мақсадга айланди.

Авлод-аждодларимиздан қолган диний меросни пухта ўрганишга эса мустамлакачилик йилларида авжига чиккан таъкибу-тазииклар таъсирида ҳеч кимнинг юраги бетламади. Худди шу маънода ўтган асрнинг 90-йиллари бошида рўй берган собиқ совет тузумининг инқирози натижасидаги интиҳоси ўзбек фалсафасининг қайта ривожланиши учун ибтидо бўлиб хизмат қилди. Натижада мустақилликнинг дастлабки даврларида ёқ бутун илмий жамоатчилик олдига “замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан” бўлган фалсафа фанини янги давр талабларига мос равишида ривожлантириш вазифалари файласуфларимиз олдига кўндаланг қилиб қўйилди.

Кези келгандан шуни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, миллий давлатчилик ривожи ва юксалиши ҳам кўп ҳолларда фалсафий қарашлар ва таълимотлар тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлган. Чунки кучли давлатчилик кучли фалсафага доимо эҳтиёж сезган. Бунга Қадимги Афина ва Рим, бобомиз Амир Темур асос солган улкан салтанатлар мисолида инсоният тарихида кўплаб давлатларнинг гуллаб-яшнаган даврида фалсафа фани ривожига ҳам катта эътибор қаратилганлигига оид далилларни келтириш мумкин. Ҳусусан, Темур давлатининг довруғи етти иқлимга ёйилишида сохибқироннинг ҳарбий куч-кудратидан ташқари ўз атрофига оқилу-фозил инсонларни тўплаб, салтанат ишида ҳар бир масалада уларнинг фикрларини пухта ўрганиб, файласуфона қарорга келиш учун ҳаракат қилганлиги жуда муҳим роль ўйнаган. Бу ҳақда “Темур тузуклари”да қайд этилган “... тажрибамдан ўтмишким, гарчи ишнинг якунланиши тақдир пардаси ортида яширинган бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгаш тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир”, деган сўзлари худди шундан далолат беради.

Бироқ биз учун эътиборга молик жиҳати шундаки, юқорида қайд этилган фалсафа мактаблари орасида юртимиз ва халқимиз тарихига бевосита дахлдор бўлган атамалар билан номланган “Самарқанд фалсафа мактаби”, “Бухоро фалсафа мактаби”, “Мовароуннаҳр фалсафа мактаби”, “Туркистон фалсафа мактаби” кабилар ҳам машҳур бўлган. Фақат уларнинг ўзига хос бетакрор томони мазкур мактаблар номлари турлича бўлса-да, ягона ўзбек халқининг фалсафий тафқур тараққиётига тегишли бўлган умумий жиҳатларни ўзида мужассамлаштирганлигидир. Бу эса, ўз навбатида миллий фалсафамизни тарихимиз каби қадим, маънавиятимиз каби теран, дея таърифлаш учун асос бўла олади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ана шу бой фалсафий меросимиз “ўзбек фалсафаси” деган ном билан янгича мазмун ва маъно касб этди, миллий фалсафамиз эса юксак ривожланиш босқичига қадам қўйди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тараққиётида ижтимоий-иктисодий, маънавий-маданий ҳаётимизнинг барча соҳалари сингари илм-фан ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги ўзбек фалсафаси тараққиётида жуда муҳим замин бўлиб хизмат қилди. Халқимиз маънавиятини юксалтириш масаласи давлат сиёсатининг устивор йўналиши этиб белгиланиши эвазига миллий меросимиз, қадрият ва анъаналаримизни қайта тиклаш, уларни ўрганиш ва кўз қорачиғидек авайлаб-асраш учун барча шароитлар яратилди. Бунда, айниқса, халқимизнинг миллий ўзлигини англаш, воқеиликда содир бўлаётган воқеа-ходисаларнинг моҳиятини теран фаҳмлаш фазилатларини ҳар бир юртдошимиз шуурига сингдиришни мақсад қилиб олинганлиги пировард оқибатда юртдошларимиз тушунча ва тасаввурларида “Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз”, “Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз?” деган энг олий мақсад-муддаолар ҳамда орзу-ниятларни ифода этган ҳаётий фалсафани қарор топтиришнинг ҳам асоси бўлди.

Аслида тараққиётда мустақилликка эришиш муайян халқ ҳаётида туб бурилиш даври сифатида жаҳоншумул ҳодиса. Буни жўнроқ қилиб тасаввур қилганда агар шу пайтгача жамият бир издан ривожланиб келган бўлса, мустақилликка эришув туфайли бошланган туб бурилиш даври унинг тараққиётини бошқа изга кўчириб қўйиш билан тенг ҳодисадир. Бинобарин, янги даврга келиб эски даврда амал қилиб келган кўпгина тамойиллар ўз аҳамиятини йўқотади, узоқ даврлар қадрият деб ҳисоблаб келинган анчагина моҳиятлардан воз кечилади. Бусиз иложи йўқ. Чунки янги давр деярли барча соҳаларда туб янгиланишларни амалга оширишни тақозо қиласди. Янги муносабатларни шакллантириш асносида ақлга мувофиқ бўлган жамиятни барпо этиш эса ҳамма вақт ҳам осон кечавермаганига кекса мозийнинг ўзи гувоҳ. Ваҳоланки, бу даврга келиб эскилик билан



янгилик ўртасидаги муросасиз муносабат кўзга яққол ташлана бошлайди. Бу жараёнда янгилик тарафдорлари бўлган кучлар ўз мақсадларига эришиш учун эзгу ғоялар атрофида оммани бирлаштириш учун интила бошласалар, эскилик тарафдорлари эса жамиятда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни тан олмаслик, анъанавий турмуш тарзидан воз кечмаслик йўлини излашади. Айни пайтда ўта хатарли бўлган учинчи – бефарқ ва лоқайд унсурлар ҳам пайдо бўлади. Ана шундай масъулиятли дамда миллий тараққиёт фалсафасини ишлаб чиқиш ва уни кенг омма онгига сингдириш фавқулодда катта аҳамият касб этади. Республикализнинг биринчи Президенти томонидан ишлаб чиқилган “тараққиётнинг ўзбек модели” худди ана шу вазифани бажарди.

Фалсафанинг азалий қонунларига кўра, инсон онги ва тафаккурининг ўзгариши, жамият дунёқарашининг янгиланиши осонликча юз берадиган ҳодиса эмас. Айниқса, муйайян даврдаги туб бурилиш ва ўзгаришлар бу жараённинг давомли ва мураккаб кечишига олиб келади. Ана шундай дамда унга сифат жиҳатидан янгича туртки берадиган миллий фалсафанинг мавжуд бўлиши бекиёс аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қаралганда, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш борасида дадил қадам ташланаётган ҳозирги даврда фалсафа фани олдида бир-биридан долзарб бўлган жиддий вазифалар турибди.

Бугунги кунга келиб ўзбек фалсафасининг сарчашмалари бўлган халқимизнинг бой ўтмиши, илмий мероси, авлод-аждодларимизнинг тафаккур зиёси билан яратилган дурдона асарларини ўрганиш борасида жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Улар жаҳон фани ва маданияти ривожига шу қадар катта ижобий таъсир қўрсатганки, буни машҳур инглиз олимаси Хилда Хукхем хонимнинг қуидаги самимий эътирофидан ҳам кўришимиз мумкин: “Амир Темурнинг бешигини тебратган заминда, X-XI асрлардаёқ фалсафа, тиббиёт, математика, астрономия, география, назм ва тарихнавислик борасида жаҳоншумул асарлар яратилган. Бу бекиёс илмий-маърифий тараққиёт Европа Уйғониш даврига туртки берди ва Европа илм-фани камол топишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди

Бироқ шунга қарамасдан мозийнинг турли даврларида умргузаронлик қилган муқаддас заминимиз фарзандларининг дунёвий ва диний илм соҳалари бўйича қолдирган интеллектуал мулки бутун бўй-басти билан ўрганилган, деб айта олмаймиз. Баъзи мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, Ўзбекистонда ҳозирги кунга қадар ўрганилмаган нодир қўлёзмалар 80 мингдан ортиқни ташкил қиласди. Уларни батафсил ўрганиш ва халқимизга тақдим этиш бугунги ўзбек фалсафасининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан биридир.

Ваҳоланки, бугунги кунда инглизларда “Инглиз фалсафаси” билан бирга “Бекон фалсафаси”, “Парсонс фалсафаси”, немисларда эса “Немис фалсафаси” билан бирга “Кант фалсафаси”, “Гегель фалсафаси” номлари билан аталадиган маҳсус фалсафий курслар ўрганилади. Француз ва испанларда ҳам, греклар ва итальянларда ҳам шундай. Ҳар бир миллат ўз фалсафасини биринчи навбатда ўзи чуқур билиши, ҳурмат қилиши, ундан фахрланиши ва дунёқарашининг ажралмас қисми ва асосига айлантириши, сўнгра эса, зарурат бўлса, бошқаларга ҳам тавсия этиши ва тарғиб қилишининг асосий йўли аслида ҳам ана шундай бўлгани маъқул.

Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йилнинг 29 декабрь куни мамлакатимиз парламенти ва халқимизга қилган Мурожаатида ҳозирги кунда Учинчи Ренессанс даврига қадам кўйилаётганлигига алоҳида урғу беришди. Жумладан, унда: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойdevorини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган мухит ва шароитларни яратишимиш керак”, деган фикрни вазифа этиб белгилашди. Шундай экан, Республикаиздаги барча олий таълим даргоҳларида ўзбек фалсафаси кафедралари фаолиятини йўлга қўйиш ва шу номдаги ўкув фани бўйича дарслклар тайёрлашга киришиш мақсадга мувофиқдир. Бунда, юқоридаги миллатларни ҳеч бир камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, ўрганишга арзидиган “Форобий фалсафаси”, “Беруний фалсафаси”, “Ибн Сино фалсафаси”, “Улуғбек фалсафаси” сингари маҳсус фалсафий курсларни ташкил этишга катта эҳтиёж борлигини эътиборга олиш зарур.

Модомики шундай экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини англаш, илдизлари минг йилликлар қаъридан куч



оладиган миллий фалсафамиз ривожини янги босқичга қўтариш, уни замонавийлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда самарали иштирок этиш учун, аввало, ҳар биримиз унинг ноёб манбаларини чуқурроқ ўрганишимиз ва зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этишимиз лозим.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига 2020 йил 29 декабрь кунги Мурожаатномаси



ШАҲАРЛАР АҲОЛИСИ МАҲНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНИШИ: МУАММОЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

Умурзақов Ахмаджон Махамадович

Фарғона политехника институти ўқитувчisi

Телефон: +998901648177

nodirjon86.86mail.ru

Аннотация: Мақолада бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири шаҳар аҳолисининг маънавий қиёфасининг шаклланиши ва бу жараёндаги муаммолар ҳамда ечим учун таклифлар хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Оммавий маданият, индивидуаллик, коллегиаллик, эгоистлик, космополитизм, виртуал олам, ахборот олиш маданияти.

Бугун шаҳарларда пул топишнинг қийинлиги баҳонасида одамлар бирорнинг хаққини ўмаришдан ҳам ҳазар қилмай қўйишига сабаб бўлмоқда. Бунинг оддий сабаби глобаллашув ва у келтириб чиқарган оддий ҳақиқат ҳаёт суръатларини бекиёс даражада тезлашувидир. Яъни одамлар бир дўстининг ундан ўзиб кетмаслиги учун кўпроқ пул топишга харатат қиласди. Бу холат эса тарозидан уриш каби динимизда энг қораланганд жараённи оддий холга айланишига сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки айни вақтда шаҳар ҳаётидаги яна бир омилнинг яъни миллий қадриятларимиздан бир ҳашарнинг йўқолиб бораётганлигидир. Шаҳарларда айни вақтга келиб аҳолини бир бирига яқинлаштирадиган омиллардан бири ҳашар ўтказилмай қўйди. Бунинг ҳам оддий сабаби мавжуд одамзот коллегиалликдан қочиб индивидуалликка томон интилаётганлигидир. Лекин тарихимизга назар ташласак аждодларимиз жамоа бўлиб яшаганлигига гувоҳ бўламиз. Бундай жараён аҳолининг бир-бири билан оқибатлилик каби миллий менталитетимиз унсурларини йўқолишига олиб келмоқда. Бундан оддий нарсани англаш мумкин глобаллашув жараёни бутун дунёга ёйишга ҳаракат қилаётган космополитистик дунёқарашни киритишга урунишdir. Космополитизмнинг ғояси ягона ер фарзанди деган тушунчани киритишдан иборатdir. Яъни бундай инсонларда ватан деган тушунча бўлмайди. Улар қаер ўzlари учун қулай бўлса шу ерда яшашга ҳаракат қиласди. Агар у яшаб турган жойда унга муаммо келтириб чиқарадиган жараён пайдо бўлса уни ташлаб бошқа жойга кўчади яъни ўзи яшаб турган жойдан осонгина воз кечади. Бундай одамлардан эса юрга нисбатан садоқатни ватанини асрар авайлашга хисса қўшишни сўраб бўлмайди. Яъни одамларнинг бу каби қадриятдан воз кечишга уринишини ҳам биз юқорида келтирган омилга мисол қилиб келтиришмиз мумкин.

Бугун юргандошларимиз орасида қарз олиб қайтармасликни касб қилиб олганлар ҳам йўқ эмас. Бундай холат айни вақтга ака ва ука ота ҳамда бола шу билан биргаликда дўсту биролар ўртасидаги муносабатларнинг бузулишига сабаб бўлмоқда. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак ота-боболаримизнинг қарз балосидан қаттиқ қўркганлигини учратишмиз мумкин. Бу ҳақда тарихий манбаларда қўплаб мисоллар келтирилган. Аммо ҳозирги кунга келиб фуқароларимиз ўртасида бир-биридан қарз олиб уни қайташга келганда суд орқали қайтириб олишгача борилаётганлиги очиғи қўзи очик ўзбек фарзандини даҳшатга солади.

Фарзанд тарбиялайман деб бугун айрим ота-оналар ўз дўстини ёру-биродарини сотаёт-ганлиги ҳам глобаллашув жараёнининг инсонлар ҳаётига кўрсатаётган салбий таъсиридан биридир.

Ҳозирги вақтда бутун дунё ўргимчак тўри деб аталмиш ижтимоий тармоқ вужудга келганки бу тармоқ инсонлар ҳаётининг ажralmas қисмига айланди. У энди инсонлар ҳаётининг мазмуни бўлиб қолди Бугун инсонлар ўз ҳаётини айна шу каби омилсиз тасаввур эта олмайди. Бу нарса эса ёшлар маънавий қиёфасини ўсишида ўзининг ижобий таъсиридан кўра салбий таъсирини кўпроқ ўтказмоқда. Шу сабаб бўлса керак ёшларнинг турли ёт ғоялар таъсирига тушушига, шу билан бирга ахлоқий тарбиясининг бузулишига ҳамда руҳий психологик салбий таъсири кўрсатилишига олиб келмоқда.

Маълумки, бугун дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Глобаллашув жараёнлари инсоният учун бекиёс янги имкониятлар билан бирга кутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Миллий ўзлик ва маънавий



қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортмоқда. Фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга, оиласа енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўллар билан одамлар, айниқса, ёшлар онгига устамонлик билан сингдиляпти[1].

Айни пайтга келиб шаҳар ҳаёти маънавий қиёфасига глобаллашувнинг яна бир қатор таъсиirlарини учратиш мумкин. Хусусан одамлар номларининг қисқартириб айтилиши, ёки жой номларининг ташкилот, муассаса номларининг бузуб айтилиши айнан глобаллашув жараёнининг шаҳар маънавий қиёфасига салбий таъсиiriни белгилаб бермоқда.

Ҳозирда мамлакатимизда шаҳар ёшларининг маънавий қиёфасини миллат тарихини билмайдиган ёшлар қатламини тарбия қилганлигимиз билан боғласак бўлади. Яъни ёшлармиз айни вақтда глобаллашув жараёни тарғиб эта бошлаган кийиниш, сўзлашиш маданиятини ўзлаштира бошлаганини глобаллашув жараёни кўрсатган салбий таъсиir сифатида баҳоласак бўлади.

Шуни хам таъкидлаш жоизки ёшларимиз айрим сўзларни ўзи тушуниб тушунмай автомобилларига ёки футболкаларига ёпиштириб олмоқдаларки бу холат глобаллашувнинг муҳим бир мақсадларидан бир оммавий маданиятни шакллантирувчи омиллардан биридир. Шу боис бўлса керак кўплаб ёшларнинг фикрламасдан ёки чукур ўйламасдан бирор-бир воқеа юзасидан хулоса чиқара бошлаганлигини кўрмоқдамиз.

Мамлакат ҳаётининг яна таназзул томон буриши мумкин бўлган глобаллашув кўрсатаётган омиллардан бири бу "game club"ларнинг мавжудлигидир. Бу каби клублар болаларни виртуал олам таъсирига тушиб қолиши ва хақиқий ҳаётдан узилиб қолишига ёки ваҳшийлик холатларни ўйинларда ўйнаганлиги сабабли уни оддий хол деб қарашларига сабаб бўлиб қолмоқда.

Бу каби омиллар шаҳар ҳаётининг баъзи бир жихатлари, хусусан аҳоли тафаккур тарзини ўзгартиришга уринишни талаб этади. Зеро юқорида айтиб ўтилган кўплаб омиллар инсонлар турмуш тарзини ўзгартиришга сабаб бўлади. Бу борада тўхталар эканмиз кўйидаги омилларга кўпроқ эътибор қаратиш муаммо ечимини топишга ёрдам беради деб хисоблаймиз.

- Виртуал олам манбаларини миллий ўйинларимиз билан бойитиш ва глобаллашув таъсири сезилиб турган ўйинларни аслида нимани кўзлагани тушунтириб бериш
- Оммавий маданият ва глобаллашув атрибутикаларини йўқотиш унинг ўрнига ватанни мадҳ этувчи шиорларни босиб чиқариш ёки миллий қаҳрамонларимиз расмларини тушириш
- Инсонлар номи унинг нафақат исми балки фахри эканлигини уни кайфияти, тақдири белгилаб берувчи омиллардан бири эканлигини кенг оммага етказиш
- Шу билан бирга аҳолини маънавий қиёфасини ўстириш учун театрлар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ва аҳолини айнан шу муассасага кўпроқ жалб этиш

Янги таҳдидлар, жумладан, „оммавий маданият“ хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, кадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида булар ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда[2].

Хулоса сифатида айтиш жоизки, бир сўз билан айтганда инсонлар тафаккур тарзини ўзгартириш зарур бўлади. Бунинг учун хорижий давлатлар тажрибасидан хам фойдаланиши зарар қилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://president.uz/uz/lists/view/4089> 19.01.2021
2. <https://www.gazeta.uz/uz/2016/10/19/ustuvor/>



АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ НИКОҲ ВА УНИНГ ФОЙДАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Дилнавоз Нарзиқуловна Тогаева
ўқитувчиси Бухоро давлат
университети Бухоро, Ўзбекистон

Аннотации: Мақолада жадид адабиёти ва фалсафасида ўзига хос ўринга эга бўлган Абдурауф Фитратнинг оила, никоҳ ва унинг фойдалари, аҳамияти ҳақида маълумот берилиб, алломанинг никоҳ, уйланиш ва уйланмасликка оид фикрлари ҳозирги кун нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда ижтимоий- фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Абдурауф Фитрат, “Оила ва оила тутиш тартиблари” асари, Қуръони Карим, никоҳ, шариат, ҳадис, уйланиш одоби.

ОБЩЕСТВЕННО-ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АБДУРАУФА ФИТРАТА О БРАКЕ И ЕГО ПОЛЬЗЫ

Дилнавоз Нарзиқуловна Тогаева
Предподаватель Бухарский
государственный университет
Бухара, Узбекистон

Аннотация: В этой статье предоставляются сведения о взглядах Абдурауфа Фитрата, который занимает особое место в джадидской литературе и философии, о семье, браке и их пользы и значении. Кроме того, сделан анализ общественно-философских идей Фитрата о браке, создании и не создании семьи исходя из точки зрения сегодняшнего дня.

Ключевые слова: Абдурауф Фитрат, произведение “Семья и правила ведения семьи”, Куръан, брак, шариат, Хадис, этика женитьбы.

THE SOCIO-PHILOSOPHICAL VIEWS OF ABDURAUF FITRAT ON MARRIAGE AND ITS BENEFITS

Dilnazoz Narzikulovna Togayeva
Teacher Bukhara State University
Bukhara, Uzbekistan

Annotation: The article provides information about the views of Abdurauf Fitrat, who has a special place in Jadid literature and philosophy, about family, marriage and their benefits and significance. In addition, an analysis of socio-philosophical ideas of Fitrat about marriage, creation and not creating a family based on the point of view of today is made.

Keywords: Abdurauf Fitrat, work: “Family and family management”, Quran, Sharia, Hadith, the etiquette of getting married.

Ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда оиланинг роли ва ижтимоий мавқеи жуда баланддир. Шахсни шакллантириш аввало оиладан бошланади. Оила муаммолари, унинг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий нуфузи ҳамма замонларда ҳам даврнинг марказий муаммоларидан бири бўлиб келган ва ҳар бир миллатнинг зиёли қатлами эътиборини тортган. Буюк алломаларнинг илмий-назарий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислоҳотлар изчили давом эттирилмоқда. Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар са-марасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги боскичга кўтаришни талаб қилмоқда. Шунинг учун “биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз”



[3]. Мана шундай йўллардан бири жадид маърифатпарварлари ва улар қолдирган улкан бой маънавий мерос ҳамда уларда илгари сурилган мустаҳкам оила масаласига қаратилган ўзига хос шарқона қарапашлардир. Шундай намоёндалардан бири бу жадидчилик таълимоти ва фалсафасида ўз ўрнига эга бўлган Абдурауф Фитратдир.

Оилани маънавият маскани, маданият ўчоғи деб билган жадид алломаси Абдурауф Фитрат ўзининг "Оила ва оила тутиш тартиблари" асарида никоҳ, никохнинг фойдалари, уйланиш ва уйланмаслик, эр-хотин масалалари, оила ва уни тутишнинг Шарқона анъаналари, қадриятлари, фарзанд тарбиялашнинг турли йўналишлари, ёш оналарнинг ўрни, оиланинг жамиятдаги роли, болаларнинг ахлоқий ва меҳнат тарбияси ва бир қатор муаммоларга эътибор берган.

Табиат ҳодисалари қаршисида ожизлик инсонларни бирлаштириб уларни бир қавм бир оила бўлиб яшашга унданган. Абдурауф Фитрат ўз асарида бу оилани – Аҳли байт [7;7] жамоалари бирлашганликлари хусусида фикр юритади. Аҳли байтнинг шаклланиши узоқ давр ва заруриятдан келиб чиққан. Оила Фитрат талқинидаги Аҳли байтнинг асоси инсониятнинг маданияти билан чамбарчас боғлиқ.

Бугун баъзи оилаларда оила аъзолари бир-бирларига қалб кўзлари билан қарапши унтиб қўйгандек гўё. Ёки оила маъсулиятини бўйнига олишни хохламай уйланиш ёки турмушга чиқишдан қочадилар. Фитрат никоҳ ҳақида гапирав экан, бу масалага инсон борлиғи нуқтаи назардан ёндашади. Зеро, аллома инсон борлигининг табиий ва ижтимоий томонларига эътибор бериб, никоҳ, уйланиш масаласига ижтимоий эҳтиёж сифатида қараган ва инсоннинг ижтимоий борлигини табиий борлиғидан устун қўйган. Аслида инсон учун уйланиш – тарбияланиш демакдир. Фитратнинг фикрича, "Баъзи одамлар ўйламайдиларки, уйланиш ва фарзанд орттириш кишини ҳақ хизматидан Аллоҳга яқин бўлишдан четлаштиради" [7;7]. Тасаввуф таълимотида аёлга Ҳақ йўлида бўлган соликка тўсиқ сифатида қарапшлар мавжуд. Фитрат эса айни шу фикрга қарши чиққан десак хато бўлмайди. Уйланмаслик орқали камолга етишмоқчи бўлган инсон мутлақ ҳақиқатга ета олади деган қарап илк ўрта асрларда динлардаги тушкунлик ва ўрта асрлардаги тарки дунёчиликнинг таъсирида вужудга келган. Тарки дунё қилиб, хотин ва фарзанд орзусидан кўз юмган одамлар ҳам мавжуд бўлган. Аллома ўзининг мулоҳазаларида, хусусан "Рахбари Нажот" асарида ўрта аср мусулмон тафаккуридан илҳомланганлигини кўриш мумкин. Имом Ғаззолий "Уйланиш одоби" номли рисоласида илгари сурилган қарапшларнинг Абдурауф Фитрат дунёқарапшига кўрсатган таъсири яққол намоён бўлади.

Фитрат "Оила ва оила тутиш тартиблари" асарида Абу Хурайра (р.а)нинг "Набий (с.а.в) дедилар: "Сизларнинг энг ёмонларингиз хотин олмаганларингиздир" [7;11] мазмунидаги ҳадисни келтирган ва бу каби ҳадислар орқали хотин олмаганлар ёки имконияти бўлиб туриб уйланмаганлар илоҳий қонунларга зид иш қилаётганликларини таъкидлагани ҳолда, аксинча бу ҳолат ўз тасдигини топмаганилигини асослашга ҳаракат қилган.

Инсонларнинг уйланиш, никоҳ борасидаги ахлоқий муносабатларида аморалистик қарапшлар бугунги кунда ўз чўққисига эришмоқда. Оммавий маданият ва глобаллашувнинг салбий таъсиrlари натижасида бир жинсли никоҳ, инсон ва хайвон ўртасидаги никоҳ ёки умуман никоҳсиз яшаш XXI аср аморализми инсоний муносабатларда ахлоқий тубанлининг энг юқори чўққисига эришгандек.

Фикримизча уйланиш ёки турмуш куриш аввало шу икки инсонни никоҳ риштаси билан тарбиялашдан иборат ва тарбия узвий ҳолатда бир умрга дахлдордир. Фитрат инсоннинг никоҳга кирмаслиги, уйланмаслиги ва турмушга чиқмаслигини кескин қоралаган. Аксинча уйланишнинг бешта аҳамияти ҳақида ўзининг мустақил хulosаларини баён этган. **Биринчидан**, уйланиш инсон организмида келиб чиқиши мумкин турли касалликларнинг олдини олишини қайд этган. Бугунги замонавий тиббиёт илми ҳам бу фикрнинг ҳақиқат эканлигини тасдиқлайди. **Иккинчидан**, аллома уйланишнинг фойдалари ҳақида гапирав экан, эркак киши учун унинг аҳамиятини кўрсатишга эътибор берган. Зеро, Фитратнинг фикрича уйланиш эркак кишини зино, фаҳш ишлардан сақлаши, жуда уйланишга кучи етмаса рўза тутиши, рўза инсондаги шаҳватни фаҳш ишларга яқин бормаслигига тўсиқ бўлишини таъкидлаган. Бу масалада аллома Абдулло ибн Маъсүднинг куйидаги фикрларини келтириб: "Набий (с.а.в) марҳамат қиладилар: "эй ёшлар ҳар бирларнинг никоҳга кучларингиз етса уйланинглар. Зеро, уйланиш эркакни фаҳш ишларидан, аёлларни ахлоқсизликдан сақлайди ва кимни никоҳга кучи етмаса у рўза тутмоғи даркор,



чунки рўза шаҳватни, фаҳшни яқинлаштирумайди" [7;13]. **Учинчидан**, Абдурауф Фитрат уйланиш ва турмушга чиқиш миллат генофондини асраш ва сақлаш учун ўта долзарб эканлигига эътибор бериб, Гарб жамиятлари ва улардаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилган. **Тўргинчидан**, уйланган эркак оиласини боқиши учун меҳнат қилишига, касбу корга эга бўлишига, ҳаракат қилишига олиб келиши ва шу орқали унинг тану жони соғлом бўлиши ҳакида маълумот берган. Зеро, шундай одамлар хурматга сазовор бўлиши ва аксинча меҳнат қилмаган, ҳунар эгалламаган, касбу корига эга бўлмаган одамлар хору зор бўлиб яшашини қайд қилиб ўтган. Бу ҳолат ўз ўрнида оилада оталик масъулиятини ошириб, оила тинчлиги, фаровонлигини сақлаш, фарзандлар учун ҳам ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга. **Бешинчидан**, уйланиш эркак кишининг руҳий барқарорлигини сақлашда аҳамиятлиdir. Алломанинг фикрича, уйланган эркак қўлидан келганча меҳнат қилади. Ҳаётнинг қийинчиликлари олдида тиз чўқмаслик учун оила зарур. Чунки, аҳли аёли ва фарзандлари билан сухбатлар, айниқса фарзанд камолини қўриш оила бошлиғига завқ бағишлийди. Бу ҳолатда оила бошлиғи ҳаёт ташвишларини, унтиб ҳар қандай психологик тўсиқларни енгиб ўтади. Энг асосийи шукrona билан яшайди. Абдурауф Фитрат оила ҳар бир инсонни аввало оила аъзолари олдидағи маъсулияти қолаверса, жамият олдидағи вазифаларни адо этиши йўлида тинмай меҳнат қилиши, оила аъзоларининг моддий, маънавий жиҳатдан тўқис бўлишлари учун тинмай хизмат қилиши, унинг бекорчи ишларга чалғимаслигини таъминлаши ҳакида тўхталиб ўтади. Ўрта аср мусулмон Шарқининг йирик мутасаввифларидан бири бўлган Абу Ҳомид Газзолий ҳам ўзининг "Уйланиш одоби" асарида уйланишнинг асосий беш фойдаси ва аҳамияти ҳакида тўхталиб ўтган. Газзолийнинг фикрича, Уйланишнинг беш фойдаси бор. **Биринчидан**, тинчлик ва хотиржамликни таъминлайди. Аллоҳга яқинлик риштаси билан тузилган никоҳ орқали кўнгил хотиржамлиги, яқинларингиз тинчлиги учун келажакка қараб интилишни таъминлайди. Оила қуриш, уйланиш орқали динимиз буюрган суннатимизни адо қилган бўламиз. "Оилали кишининг бир ракат намози, бўйдоқнинг етмиш ракат намозидан фазилатлироқдир" [8;6]. **Иккинчидан**, насл қолдириш. Оила қуриш орқали жамият тинчлигига, барқарорлигига хисса кўшамиз. Фарзандларимиз наслимиз давомчиси миллатимиз келажак

бунёдкорлари бўлиб, юрт равнақига ўз хиссаларини кўшадилар. **Учинчидан**, никоҳ хулқни тарбиялайди. Оилада эр хотиннни, хотин эрини, ота-она фарзандларини ўзаро тарбиялайдилар. Кўз ҳаромдан тийилади. Оила аъзолари ор-номуси ҳимоя қилинади. **Тўргинчидан**, нафс ва иродани тарбиялайди. "У (Аллоҳ) сизларни бир жондан яратиб, ундан унинг жуфтини унга (уйланиб) таскин топиши учун пайдо қилган зотдир" [2]. Фарзандларини сабр билан оиласини ҳалол луқма билан таъминлаш учун ҳалол фойда топишга ҳаракат қилади. Ҳалол луқма едириб фарзанд ўстириб уларни сабр билан тарбиялаб, камолини кўришга интилади. **Бешинчидан**, тан соғлигини таъминлайди. Оилали эркаклар нисбатан бардам-бақувват, руҳан соғлом бўлиб, улардаги руҳий зарбалардан ҳимояланганлик ҳам юқори даражада бўлади. Ота-боболаримиз ҳам руҳий соғлом бўлиш, нафс йўлига кирмаслик, ҳаётни рисоладагидек тартибга солиш учун ўз вақтида уйланишни тавсия этишган. Кўриниб турганидек икки алломанинг уйланиш ҳақидаги мулоҳазаларида ўзига хос тарзда умумийлик ва хусусийлик кўзга ташланади.

Абдурауф Фитрат никоҳ ва уйланиш масаласининг шаръий томонларидан тортиб ижтимоий жиҳатларигача Куръон ва ҳадисдан чиройли далиллар келтирганки мусулмон ҳалқи буни билмаслигининг ўзи гуноҳ. Фитрат "никоҳ – эътиқоднинг ярми" эканлигини таъкидлайди. Демак, никоҳ инсоннинг аввало эътиқоди олдидағи адо этиши лозим саналган бурчларидан биридир.

Аллома ўз асарида Анас разийаллоҳу анхунинг пайғамбаримиз суннатларига оид қўйидаги ҳадисни келтирган: "Набий (с.а.в) дедилар. Худо ҳаққи мен сизлардан ҳам кўпроқ пархезкор ва Худодан қўрқадиган одамман, лекин рўза тутаман, ифтор қиласман, намоз ўқийман, ухлайман ва уйланаман. Ким бу суннатдан юз ўғирса, у менинг умматим эмас" [7;11]. Юқоридаги ҳадис орқали аввало илоҳий қонунларга қарши иш тутиш гуноҳ эканлигини уқтирганлар. Уйланиш самовий характерга эга бўлиб, у ўзининг илоҳий қонунлари асосида фаолият юритади. Ушбу фикрга асосланиб айтиш мумкинки уйланишда икки хил муносабат, яъни мулк олами ва малакут олами ўртасидаги ўзига хос диалектик муносабатнинг намоён бўлишини ва бунинг натижасида ижтимоий муносабат ўрнатиш тартиботига маҳсус эътибор қаратилган.



Иккинчидан уйланиш меҳнатидан, никоҳ маъсулиятидан қочиб ўз ҳирсини, худо берган неъматни увол қилишлари гуноҳдир.

Учинчидан, оила масъулиятидан қочиб гуноҳга ботиб Аллоҳ берган неъматни турли нафс йўллари билан увол қилиб гуноҳга ботиш энг катта хатоликдир. Бундай гуноҳга ботмасликнинг йўли деб Фитрат бир-бирларини хохлаб оила қуришларини айтиб ўтади. Оила қуришни истаган ёшлар аввало бир-бирларини яхши танишлари ва ҳеч қандай мажбурлашларсиз ўз хошишларига кўра уйланишлари лозимлигини таъкидлайди. У ҳар қандай мажбурий никоҳни қоралайди. Бугунги кун нуқтаи назаридан қаралганда жамиятимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар, жамият аъзоларининг ўзаро тенг ва муроса орқали яшашлари, аёллар ва эркаклар хуқуқ жиҳатдан тенглаштирилганлиги муаллифнинг мустамлакачилик давридаги орзу-армонлари, ўз даврида тарғиб қилган мажбурлашларсиз никоҳ, аёллар тенглиги масалаларининг ижобатини қўришимиз мумкин. Конституциямизнинг 46-моддасида “Хотин қизлар ва эркаклар тенг хуқуқлидирлар” [1;17], деб таъкидланиши жамиятимизда бугунги кунда хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркаклар билан тенг хуқуқли эканлигидан далолатдир. Шу сабабли ҳам бугунги кунда юртимизда хотин қизларнинг давлат ва жамият қурилиши, оиласидаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида миллий механизми мувафақиятли ишлаб турибди.

Ўрта асрларда яшаган мутасаввиф Абулҳасан Ҳужвирийнинг “Кашф ул маҳжуб” асарида никоҳ ва оиласи бўлиш ҳақида қуйидаги фикрлар илгари сурилган: “Сизлар унинг динига қараб никоҳингизга олинглар. Исломни қабул қилишдан кейинги энг яхши иш бу қараганингда ўзинг хурсанд бўладиган мўъмина аёлга уйланишилардир” [5;362], яъни Исломдан кейинги ва манфаатлари кўп бўлган энг яхши иш бу мўъмин эркак билан мўъмина аёлнинг турмуш қуришларидир.

XIX аср охири XXаср бошларида нафсини, ўз-ўзини қондириш тиббиётда онанизм деб аталган бўлиб, Фитрат бу ходисанинг салбий жиҳатларига тўхталиб, насл соғлиғига, авлодлар камолотига, тарбиясига путур етказишини таъкидлаб ўтади. Бундай камчиликлар келиб чиқмаслиги учун ҳам оила курмоқ Фитратнинг фикрича энг тўғри ечимдир.

Бундан бир неча асрлар олдин тариқат машойихларидан бир гуруҳи айтганлар: “Оиласи бўлиш шаҳватни дафъ қилиш ва дилга фароғат бериш учун керакдир”. Шаҳват қўшинининг ҳар бир аскари оташини фақатгина ижтиҳод билан ўчириш мумкин. Сендан пайдо бўлган ҳар бир оғатни дафъ этиш қуроли бу ўзингдир. Ўзга аралашмаса, ўша сифат сендан завол топади. Шаҳват завол топиши икки йўл орқали бўлади.

Биринчиси, жидду жаҳд билан бўйсундирилади. **Иккинчиси**, касб ва жидду жаҳд доирасидан ташқари нарса орқали бўйсундирилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиб ўтиш лозимки бу балоларнинг олдини олиш ва гуноҳкор бўлишдан сақланишининг бирдан бир чораси оила қуришдир. Бу ҳақда динимизда ибратли фикрлар келтирилган.

Оила қурмаган аёл ва эркакларнинг турмуш тарзи ўрганилганида, уларнинг аксарияти ичкиликбозлиқ иллати ва тушқунлик гирдобига тushiб қолгани, турмуш курган жуфтларга қараганда баҳтсизроқ ҳис қилиши маълум бўлган.

Ўйланмаган, ёши ўтиб бораётган йигитлар ўртасида сўров ўтказилганида, уларнинг 90% уйланмаслик сабабини иқтисодий мустақил бўлиш режаси билан боғлашган. Яъни улар уйлангунларига қадар уй-жойли, мустаҳкам иш ва машинали бўлишни исташар экан.

Турмуш қуришни кечиктирган йўлларни оиласидан тўсиб қўядиган бош сабаб – каръера ёки касбий юксалиш бўлиб, улар оиласидан кўра ишни афзал қўришар экан. Бу каби аёлларнинг оила курган эркакларга қараганда кўпроқ даромад топиши маълум бўлган.

Шунингдек бугун ривожланган давлатларда турмуш қуриб, фарзанд кўришни истамаётган ёш оиласидан сони ҳам ошиб бормоқда.

Бундай бўлиши сабабларидан бири одамларнинг бирдан бойиб кетиши, бирдан тўкин ҳаётга эришишга эгоистик интилиши бўлиб, буни у гедонистик психология, деб айтиди. Аслида бир қаравша инсоннинг тўқ ва фаровон ҳаётга интилиши, бой бадавлат бўлишининг айби йўқ. Оиласидаги мувозанатнинг бузилиши эса эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига, оиласидаги муносабатларига унинг маънавий- ахлоқий асосларига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Натижада ахлоқизлик, ажралишлар сонининг кўпайиши ва турли жинсий касалликларнинг (тери- таносил, ОИТС ва бошқалар) кўпайиши инсон ҳаётини хавф остида қолдирмоқда. Никоҳ эркни буғувчи, фар-

занд озодликдан айирувчи, оила масъулият талаб қилувчи вазифа, деган қараш мавжуд.

Бугунги кунда никоҳдаги пала-партишлик, аёл ва аёл, эркак ва эркак ўргасидаги никоҳларнинг кузатилиши ҳеч бир ақл бовар қиласиган инсоний ҳақиқатга тўғри келмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки кейинги пайтларда оммавий қўнгил очар муносабатлар шароитида ёшларимиз онгига ғарб мамлакатларининг бази слабий одатлари, қадриятлари, анъаналари сукулиб кирмоқда. Бу анъаналар билан биргаликда ёшларимиз онгига манфаатпарастлик, инвидуализм, беҳаёлик, ахлоқсизлик сингари слабий иллатлар ҳам кириб бормоқда. Бу жуда ташвишли ҳолат. Қачонки ёшларнинг ҳаётий позицияси заиф бўлса, мустақил фикр бўлмаса, оиласвий тарбия олмаган бўлса, бундай иллатлар ёшларни осонгина асир қила болади.

Глобаллашув шароитидаги хавф-хатарлар ва мафкуравий хуружлар ҳақида сўз борар экан, Президентимиз Ш.Мирзиёев маърифатпарвар бобомиз Фитратнинг “Бу дунё кураш майдонидир. Соғлом тан, ўткир ақл ва яхти ахлоқ бу майдон куролидир” [4] деган фикрлари орқали оила муқаддаслигини асраш мумкинлигини ёш авлод онгига сингдириш ўринлидир.

Бундай ҳолатда ҳам мафкуравий иммунитет ролини соғлом ижтимоий мұхит үйнайды. Оиласи инсонларнинг турмуш тарзи ёлғиз, ажрашган одамларникига қараганда тартибли ва чиройли бўлиши бор гап. Оила масъулиятидан қочиш асосан бўйдоқларнинг рухий ҳолатидаги жараён билан боғлиқ. Тиббий хulosса ва илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, бўйдоқларда юрак уришининг секинлиги билан боғлиқ касалликлар учраши, уларнинг саратон, инсульт, зотилжам, сил ва жинсий касалликлар билан оғриши кўп кузатилади.

Демак, никох, оила инсонда тинчлик, соғлик-саломатлик, сабр, нафсни тийиш, пок ий-мон, соғ вијждон, қаноат, меҳр-мухаббат, кучли ирода, кенг тафаккур, ўткир ақл, келажак-ка ишончни уйготади ва тарбиялайди.

Оила ўзаро хурмат, бурч, эзгулик, меҳр-оқибат, виждон, қонунлари асосида кўрилганда соғлом ижтимоий мухит юзага келади ва ўзининг кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларига эга бўлади. Шунда демократик негизларга асос солинади. Уларнинг талаб эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади.

Юқорида қайд этилган фикр ва мулоҳазалардан шундай хуоса қилиш мумкинки, Абдурауф Фитратнинг фикрича никоҳ, уйланиш ва турмушга чиқиш инсоннинг табий зарур ва ижтимоий эҳтиёжи бўлиб ҳисобланади. Аллома никоҳ ва уйланиш масаласини ислом шариатидан тортиб унинг илмий томонларигача таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Фитратнинг мазкур масалага оид фикрларининг шаклланишида Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф ва ўрта асрларда яшаган Шарқ мутафаккирларининг таъсири сезилади. Аллома никоҳ ва уйланишнинг ахлоқий, ижтимоий, психологик ва тиббий аҳамиятини асослашга уринган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2008.
 2. Куръони Карим. (Аъроф 7/189)
 3. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи// -
Тошкент, 2017. Халқсўзи.№ 196(6860)
 4. Мирзиёев Ш.М. 2020 йил 27-декабр Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда
ёшлар билан учрашувда сўзлаган нутқи.
 5. Али ибн Усман аль-Худжвири”Раскрытие скрытого за завесы ”.Старейший трактат
по суфизму \ Перевод с английского А.Орлова. Москва: Единство, 2004. – 265 с.
 6. Фитрат, Абдурауф. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Тошкент: “Маънавият”,
2000.
 7. Фаззолий, Имом. Уйланиш одоби. – Тошкент, 2009.



ГЛОБАЛЛАШУВ ВА УРБАНИЗАЦИОН ТАРАҚҚИЁТНИНГ ШАҲАР АҲОЛИСИ МАЬНАВИЙ ҚИЁФАСИГА ТАЪСИРИ

Холмирзаев Нодиржон Низомжонович
Фарғона политехника институти ўқитувчиси
Телефон: +998993692386
nodirjon86.86mail.ru

Аннотация: Мақолада глобаллашув ва урбанизацион тараққиёт даврининг ўзига хос муаммолари ва уларнинг шаҳар аҳолиси маънавий қиёфасига таъсири ҳамда муаммоларни бугунги кун учун аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: Глобаллашув, урбанизацион тараққиёт, маънавий қиёфа, қадриятлар, сутхўрлик, фирибгарлик.

Бугун дунё ўзига хос бир даврни бошдан кечирмоқда. Бу давр манбаларда глобаллашув даври дея эътироф этилмоқда. Айни вақтда шаҳар аҳолиси ҳаётида турли ўзгаришлар юз бермоқда. Яъни шаҳар ҳаётида кўплаб салбий унсурлар пайдо бўла бошлаганини сезиш қийин эмас. Хусусан бугунги кунга келиб шаҳарлар қиёфаси ўзгариб бораётганлиги унинг аҳолиси маънавий қиёфасининг ўзгаришига сабаб бўлаётгани сир эмас. Мамлакатимизда урбанизацион тараққиёт сари далил қадам ташланмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида урбанизация жараёнларини жадаллаштиришни кучайтириш масаласига тўхталиб, стратегик мақсад - 2030 йилга келиб мамлакатда урбанизация даражасини 60,0 фоизга етказиш[1] дея таъкидлади. Ҳозирги вақтда глобаллашув жараёни шаҳарларда турли маънавий бузукликларни келиб чиқаётганлигига сабаб бўлмоқда десак муболаға бўлмайди.

Бугун мамлакатимиз шаҳарлари аҳолиси онгода пайдо бўлган айрим тушунчалар мавжудки уларни маънавий тараққиёт учун ҳизмат қиласидан деб бўлмайди. Биз бу каби омилларга бугун аҳоли ўртасидаги тарқалган қуидаги омилларни киритишимиз мумкин.

- Ота-она ва фарзандлар ўртасида меҳр оқибат йўқолиб бормоқда
- Саховатли инсонлар деярли йўқ бўлиб кетди борлари ҳам бу ишни ҳўжакўрсинга амалга оширмоқда
- Фирибгарлик, ёлғончилик бир-бирини алдаш кучайиб бормоқда
- Фахш зинодан қўпчилик ҳазар қилмай қўйди
- Тарозидан уриш деярли урфга кириб бораётганлиги ҳам ачинарли ҳолатdir
- Қарз олиб қайтармасликни касб қилиб олганларнинг ҳам мавжудлиги энг оғрикли нуқталаримиздан бири хисобланади
- Сутхўрликнинг бугун касбга айланаётганлиги очиги кўзи очиқ инсонларни даҳшатга солади
- Бола боқаман деб дўстини, биродарини қариндош-уругини сатаётганлар ҳам бор
- Интернетда бутун дунёни кузатади аммо қўшнисини уйида нима бўлаётганидан беҳабарлар ҳам йўқ эмас
- Идораларимизга Ўзбекистон келажаги буюк давлат деб ёзиб қўйибмиз шу билан бирга давлат байроғи гербини қўйиб қўйганмиз уни остида ўтириб пора олишдан мамлакатимиз келажагини таназзулга томон буришдан кўрқмаётганлар ҳам мавжуд
- Бугун ёшлар орасида кашандалик холатларининг авж олганлигига кимлар сабабчи экан бир мулоҳаза қилиб қўриш вақти келди
- Миллий қадриятларимиз қаерда қолди бугун ёшлар дўппи кийиш ўрнига кепка ва жинси кийиб соғлигини йўқотаётганлар мавжуд

Бир сўз билан айтганда бу каби омиллар бор экан, жамият тараққиёти фарзандлар маънавий тарбияси тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Барчамига аёнкки урбанизацион тараққиёт натижасида шаҳар ҳаёти мураккаблашиб кетди. Авваллари бир болага етти қўшни ота-она деган нақл бўларди. Бугун эса уни на шаҳар ва на қишлоқ ҳаётига нисбатан қўллаб бўлади. Агар бирор болани тергасангиз ота онаси тезда сизни турли сўзлар билан сийлайди. Одамлар бир бирларини ишига аралашмасликни маъқул кўрмокдалар. Бу эса айрим ноҳуш воқеалар юз беришига сабаб бўлаётгани ҳеч рад этмаса керак. Бугун шаҳар ҳаётида айрим хал қилувчи унсурлар пайдо бўлди. Булар интернет кафе, тунги барлар, ре-



сторанлар, тўйхоналардир. Айни шу омиллар бугун шаҳар аҳолиси маънавий қиёфасининг ўзгаришида муҳим роль ўйнамоқда. Айни вақтга келиб шаҳарда мавжуд халқимиз миллий менталитетига зид келувчи айрим урфлар пайдо бўла бошлаганки буларни фақат глобаллашувнинг таъсири сифатида баҳолаш мумкин. Бу тўйларда қизларни гул улоқтириш удумини пайдо бўлганлигидир.

Ҳозирда шаҳар аҳолиси кун ўтказиш ва пул топиш баҳонаси билан фарзанд тарбияси борасида беътибор бўлмоқдалар. Бу эса кўп куттирмади ва ўз самарасини бера бошлади. Бугун шаҳар ёшларининг маълум бир қисми балки бекорчилик ёки шўхликка тўқликдан наркотик моддалар истеъмоли билан касаллик орттириб олган ёки вафот этмоқда. Ростини айтганда бу каби омилларнинг келиб чиқишига глобаллашув ва урбанизацион тараққиёт ҳамда улар келтириб чиқарган тезкор ахборот алмашинуви ҳамда ёввойи кучлар сабаб бўлмоқда.

Бугун бир маҳаллада турли тоифадаги одамларни учратиш мумкин. Очиги ўз қўшнисини танимайдиган одамлар ҳам мавжуд. Бунга сабаб одамларнинг бир-бирлари билан қизиқмайдиган бўлиб қолганлиги ёки шаҳарсозлик тараққиётининг жадаллашувидир. Сен менга тегма мен сенга тегмайман қабилида иш тута бошланганлигининг натижасидир. Очиги бугун қўшниси камбағал холда яшаётган бўлсада унга ёрдам қўлини чўзадиган саховатпешалар йўқолиб кетди. Бунинг сабаби оддий бу ҳам бўлса глобаллашув келтириб чиқарган эгоистликнинг қарор топганлиги хисобланади.

Бизда бугун ота-боболаримизга хос бўлган айрим миллий хусусиятлар йўқолиб бораётганга ўхшайди. Хусусан бизнинг аждодларимиз фирибгарлик у ёқда турсин ёлғон гапиришдан ҳазар қилганлиги таъкидлаш жоиз. Бугун эса айрим инсонлар ўзларининг қабих ниятларини амалга ошириш учун фирибгарликни касб қилиб олганлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда ажодларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутган айрим хусусиятларни йўқолиб бораётганлиги телевиденияларда кўрсатилаётган гарбона сериаллар ва фильмларнинг таъсири сифатида баҳоласак тўғрироқ бўларди.

Инсонда маънавий дунёкарашнинг ўсиб бориши албатта, биз бот-бот таъкидлайдиган оиласидаги тарбияга бориб тақалади. Ҳар қандай юксалиш ёки таназзул тарбия билан боғлиқ эканлигини барчамиз яхши биламиз. Оиласа соғлом муҳит барқарор бўлмас экан, фарзанднинг ёруғ келажагига умид боғлаш ноўрин. Ота ва она тарбияда ибрат бўла олмаган оиласа ўсган ўғил-қизнинг маънавияти ҳам ҳаминқадар бўлиб бориши, шубҳасиз. [2]

Айни вақтга келиб глобаллашувнинг бутун дунё бўйлаб энг кўп ва тез тарғиб этаётган унсури бу икки жинс вакиллари ўртасида юз берадиган ва жинсий муносабатлар тизимининг инсонга хос бўлмаган шаклда хайвоний хирс орқали тасвирланган шаклини кенг тарқатиш бўлаётгани айтиб ўтиш жоиз. Тўғри бу каби тасвирларни бугун қишлоқда ҳам кўплаб учратишмиз мумкин, лекин унутмаслик керакки шаҳарларда мавжуд бўлган интернет кафелар болаларимиз ахлоқий тарбиясини ўз ўрнида бажаришимизга тўскинлик қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда шаҳарларнинг тараққий этиши инсонлар ҳаётида қатор қуляйликларни яратган бўлсада шу билан бирга айрим мулоҳаза юритишга сабаб бўладиган мураккабликларни келтириб чиқарди. Булар қатори шаҳар аҳолиси маънавий қиёфасининг салбий томонга ўзгариши масаласи нафақат индивидуал балки умуммиллий ечимини кечиктириб бўлмайдиган муаммо сифатида қабул қилиниши ва барча бирдек унинг ечими сари интилмоғи зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳалқ сўзи 2018 йил 29 декабрь
2. <https://yuz.uz/news/tarbiyamanavy-taraqqiyotimizning-tayanch-nuqtasi> 16.07.2020



МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЖАРАЁНИДА АМИР ТЕМУР ИЖТИМОЙ- ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Маҳмудов Осимхон Насимхон ўғли,
Фаргона политехника институти ўқитувчisi

Аннотация: Мақолада миллий ўзликни англаш жараёнида маънавий-маърифий ўзгаришлар бу борада Амир Темур ижтимоий-фалсафий қарашларининг аҳамияти масаласи хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Миллий ғоя, маънавият, ижтимоий фалсафий қарашлар, тузуклар, миллий ўзликни англаш.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач тарихимизни мафкуравий тўсиқларсиз ўрганишга ва тадқиқ этишга имкон яратилди. Тарихни билиш ва ўрганиш орқали миллий ўзликни англаш жараёнига эътибор қаратилди. Зеро муҳтарам юрбошимиз айтганларидек ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади... ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас. Миллий ўзликни англаш буюк бобокалонларимиз тарихини мукаммал ўрганиш билан айниқса аҳамиятлидир.

Айни пайтда миллий ўзликни англаш Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабхаларини янада демократлаштириш, авваламбор ҳар бир фуқаронинг ва бутун жамиятнинг олий мақсадларини ўзида муҗассам этган миллий ғоя атрофида жиспласлаша олиши ўзини ҳалқ, миллатнинг ажралмас қисми эканлигини англаб этишига ҳам боғлиқдир. Зеро буюк бобокалонимиз Амир Темур ўғитларида айтилганидек “Бирликсиз куч бўлмас”. Бинобарин, “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек улуғ иш аввало, ўзликни англамаган жойда амалга ошмайди. Миллат бирлигида инсонни ўзлигини англаш омили алоҳида ўринга эга. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Чинкам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилган одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчisi ва ҳимоячисига айланади.

Ҳар бир тарихий давр кун тартибига қўйган бу мураккаб саволларга олим ва файласуфлар сиёsatчи ва давлат арбоблари ўз билим ва тажрибаси, ўзи мансуб бўлган давр нуқтаи назаридан жавоб излаган. Чунончи, буюк мутафаккир аждодларимиз Фаробий ва Ибн Сино каби алломаларнинг асаrlарини, Амир Темур ва Улуғбек каби буюк давлат арбобларининг сиёсий фаолиятини ва саволларга конкрет тарихий шароитдан келиб чиқиб берилган назарий ва амалий жавоблар сифатида қабул қилиш мумкин. Табиийки, тарихда улардан бошқа яна қанчадан-қанча мутафаккир ва арбоблар ҳам бу масалаларга муайян тарзда муносабат билдириб ўтган.

Глобаллашув ва ахборот асри бўлган бугунги даврда, албатта, ҳалқлар ва мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ниҳоятда кучайиб, бекиёс ранг-баранглик ва мураккаблик касб этмоқда. Бундай шароитда жамият тарқиётiga таъсир кўрсатадиган янги омиллар пайдо бўла бошлади. Уларнинг барчасини теран англаб, таҳлил қилиб, амалий сиёsatда ҳисобга олиш Ўзбекистонда ҳуқукий демократик давлат фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда, давр даъватларига тўла жавоб бера оладиган баркамол авлодни вояга етказишда, ҳеч шубҳасиз, миллий ва умумбашарий ўзликни англаш муҳим аҳамият касб этади. Айни шу жабхада Амир Темур омили етакчи ўринга кўтарилади.

Қачон ва қайси давлатда жамият ҳаётининг устивор йўналишлари ҳисобга олинса, ўша жойда тарақкиёт юз берган. Буюк бобомиз Амир Темур фаолиятида ҳам иқтисодиёт, хунармандчилик ва ободончилик билан бир қаторда адолатни қарор топтириш, дину диёнат, илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, хуллас маънавиятга, жумладан ўзликни англашга ҳам катта эътибор қаратилган.

Мустақилликка эришган илк кунларимиздан бошлаб юртимизда жамиятнинг моддий ва маънавий жиҳатдан уйғун ривожланишига, ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга этишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада буюк аждодларимиз бошлаб берган анъанаалар замон талаблари асосида давом эттирилмоқда ва моддий иқтисодий омиллар билан бир қаторда маънавий омиллар ҳам, жумладан, ўзликни англаш ҳам устивор аҳамият касб этмоқда. Бу борада Амир Темур фаолияти ва унинг амалга оширган ишлари бизга намуна



вазифасини ўтамоқда. Шу билан бирга у билан фаҳрланиш ва ғуурланиш хиссинининг ортиб бораётгандиги хам бор хақиқат.

Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, инсон ижтимоий жиҳатдан фаол яратувчи бўлиши учун, ўзини тўлиқ англаши учун, миллий ўзликни амалга ошириш учун эркин ва ижодий фикрлайдиган, ташаббускор ва тадбиркор, замонавий билимларни пухта эгаллаган, ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўғри англаб, тўғри қондира оладиган бўлмоғи лозим.

Давлат, жамият ҳаётий асосларга таянган бунёдкор ғояларга таянсагина маънавий жиҳатдан юксалади, тараққиётга эришади. Юртимизнинг узоқ ва ғоят мураккаб тарихи қайта-қайта исбот этган ҳақиқат бу. Биргина Амир Темур ва темурийлар даври тарихимиз бунинг ёрқин исботи бўла олади. “Инсонлик оламини қанотлари остинда олган” (Фитрат) Темурийлар салтанати бир неча асрлар мобайнида гуллаб яшнади, улуғ алломаларни дунёга келтирди, илм-фан, маданиятда етакчиликка эришади. Бунинг сабаби нимада эди? Жавоб битта: Амир Темур мамлакат ижтимоий-сиёсий бухрон исканжасига тушиб қолган, феодал тарқоқлик ва ўзаро нифоқ авж олган бир шароитда халқни ўз ғоялари атрофида бирлаштира олди. “Мен ўз салтанатимни дини ислом, тўра ва тузук асосида мустахкамладим, салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук асосида бажардим”¹. - деган эди буюк соҳибқирон.

Амир Темур назидаги “тузук” бизнинг кундаги “миллий гоя” мазмунида келаётганини англаш қийин эмас ва буюк бобокалонимиз фикрича: “Давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, бундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди”².

Тарихий хотира миллатга куч-қудрат бағишлайди, ҳаётнинг оғир синовларини муносиб енгиб ўтишга, ўзлигини сақлаб қолишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ўзга халқларни тобе этишган уринган босқинчилар халқни ана шу қудрат манбаидан айришга, шахар ва тарихий обидалари, маданий ёдгорликлари ва аждодларининг маънавий меросидан маҳрум этишга ҳаракат қилганлар.

Хулоса шуки, Амир Темур ёшларимизда миллий ифтихор ва ғуур тимсоли сифатида шаклланган экан, унинг миллий ўзликни англаш учун бажарган амалларини кўпроқ ўрганишимиз ва кенг жамоатчиликка етказиб беришимиз даркор. Бу билан биз хозирги шароитда халқимиз орасида миллий ўзликни англаш жараёнининг янада мустахкамланишига ўз хиссамизни қўшган бўламиз.

¹ Амир Темур ўйтлари.-Т.:”Наврӯз”, 1992, 19-б.

² Амир Темур ўйтлари.-Т.:”Наврӯз”, 1992, 18-19-б



ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК –БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Эргашев Улуғбек Адхамович
Фарғона политехника институти ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида амалга оширилган ислоҳатлар ҳамда уларнинг барқарорликни таъминлашдаги аҳҳамияти хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, «Маърифат ва диний бағрикенглик» маҳсус резолюцияси, синагога, эзгулик.

Сўнгги йилларда юртимида турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Конституциямизда “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар”, – деб белгилаб қўйилганлиги, қўпмиллатли халқимиз ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун яратилган заминдир.

Мамлакатимизда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш учун барча ҳуқуқий асослар ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Бағрикенглик маданиятини шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, сўнгги йилларда кўплаб соҳалар каби миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик сиёсати янги босқичга кўтарилди. Энди бу борадаги Ўзбекистон амалиёти ва ташаббуслари жаҳон ҳамжамиятида ҳам ижобий намуна сифатида қабул қилинмоқда. Жумладан, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида қабул қилинган «Маърифат ва диний бағрикенглик» маҳсус резолюцияси фикримизга исбот бўла олади. Шу билан бирга 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Президент фармони [1] қабул қилинди.

Бағрикенгликдан асосий кўзланган мақсад инсониятни тинчлик ва осойишталиктни сақлашга ундашдир.

Мазкур декларацияда таъкидланганидек: “Бағрикенглик бўлмаса тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов бу ҳақда: “Бизнинг миллий хусусиятларимиз умуминсоний қадриятлар билан боғланиб кетган. Таъкидлаш жоизки асрлар давомида халқимиз умумбашарий, умуминсоний қадриятлар ва ислом дини тараққиёти такомилига улкан ҳисса қўшган ва динимиз диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик асос бўлиб ҳизмат қилган. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганлари-дек биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторда қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”[2]

Турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан баҳамжихат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам халқимизда азалдан мужассамдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон диний бағрикенглик ва динлараро мулоқот борасида бутун дунёга намуна бўлмоқда. Республикаизда истиқомат қилаётган фуқаролар қайси динга мансуб бўлишидан қатъий назар биргаликда, тинч ва осойишта шароитда, юртимиз равнақи учун фаолият юритиб келмоқдалар. Юртимизда виждан эркинлигига доир қонун асослари янада такомиллаштирилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли дин вакилларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун барча шароитлар яратилган.



Бугун динлараро бағрикенглик ғояси нафакат диндорларнинг, балки, бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутади ҳамда тинчлик ва барқарорликнинг муҳим шарти ҳисобланади. Азал-азалдан юртимизнинг йирик шаҳарларида масжид, черков ва синагогалар ўз ибодатчиларига эмин-эркин хизмат кўрсатиб келгани, тарихимизнинг оғир синовли дамларида ҳам диний асосда мажароларнинг чиқмаганлиги ҳалқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида улкан тажрибага эга эканлигидан далолат беради. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда том маънода диний бағрикенгликнинг юксак анъаналарига амал қилинаётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жамиятнинг ривожланиши, тинч ва осойишта бўлиши, тотувлик ва ҳамжиҳатлик қарор топиши учун инсонлар ўзаро меҳр-оқибатли бўлиши, катталарни хурмат, кичикларни иззат қилиш, қариндошлилик ва қўшничилик ҳақларига риоя этиш, ўзга дин вакилларига бағрикенг бўлиш каби инсоний фазилатларда намоён бўлади. Зоро, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик фуқаролик жамияти ривожланишининг асосий мезонларидан бири бўлиб, ушбу тамойиллар юртимиз тараққиёти ва тинчлигининг гаровидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 май, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида ПФ-5046-сон фармони <https://lex.uz/docs/3210345>
2. Мирзиёев Ш.М. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Жилд 2.-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.-253-бет.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 24-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(2-қисм)

**Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

Эълон қилиш муддати: 31.01.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000